

Oila va jamiyat

№ 36 (1438)
11-SENTABR
2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqa boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot

Gulchehra NOSIROVA,
O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan artist

“AYOLNING YOMONI BO'LMAYDI”

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида айни кунларда намойиш этилаётган “Антиқа совчилар” спектаклида Гулчеҳра Носирова томонидан талқин этилган Марямхон образи томошабинларга манзур бўлмоқда. Марямхоннинг антиқа қилиқлари асар номига жуда мос тушгандек. Хўш, томошабинни гоҳ қулишга, гоҳ афсусланишга ундовчи бу образнинг моҳиятида нима муҳассам? Шу каби саволларимизга гурунг давомида актрисадан жавоб олишга уриндик.

САНЪАТКОР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Гулчеҳра Носирова. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

Ўз фаолиятини 1985 йилда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида хор жамоасида солист бўлиб ишлашдан бошлаган. Илк ижро этган роли Исфандиёрнинг “Чароғондир чўлда юлдузлар” асарида Зоира образи. “Хийлаи шаъри”да Малак, “Супер қайнона 1”да Сурайёли, “Супер қайнона 2”да Холида холдинг, Машрабда канизак, “Аршин малолон”да бош қахрамон – Гулчеҳра, “Хонима хоним”да Хонима, “Сарвқомат дилбарим”да она образларини талқин этган.

Шиори: “Ҳар доим ўзимга нисбатан талабчан бўлишга интиламан!”

УШБУ СОНДА:

SANAM ● 3
OPANING
“SHUHRATI”



NABIRA BUVISINI
29 TA SHTATGA ● 5
OLIB BORDI



YUZ UCHUN
PARAFINLI ● 11
MASKALAR



QO'QON DUNYO
HUNARMANDLARI
E'TIBORIDA



8-9

QULOQLARIM
ESHITMAYDI

Кулоқларим эшитмайди, лекин газета-журналларни ўқишга вақт топардим. Шунда мени қўлимга “Оила ва жамият” газетаси тушиб қолди. Шу газетага бор дардларимни ёзиб, ёрдам сўрагим келди ва шундай ҳам қилдим.

● 6



AYOLLAR HUQUQIGA MUNOSABAT

markazlarning bu borada o'rnini qanday?

Жорий йилнинг 7 оyi давомида ҳудудлардаги реабилитация ва мослаштириш марказларига жами 11 890 нафар хотин-қиз муружаат қилган. Муружаатчиларнинг 1624 нафарига – тиббий, 2998 нафарига – психологик, 2222 нафарига – ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Иш билан таъминланганлар сони 1372 нафарни, кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилганлар сони 1077 нафарни, яраштирилган оилалар сони эса 2597 нафарни ташкил этди.

Куни кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг Реабилитация ва мослаштириш республика маркази ҳамда Тошкент шаҳар бўлини масининг очилиш маросими бўлди.

Ушбу марказ давлатимиз раҳбарининг "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил этилди. Унда халқро



тажрибаларга таянган ҳолда зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга манзилли, ўз вақтида ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш каби ишлар амалга оширилади. Шунингдек, мазкур марказда зўравонлик қурбонига айланган аёллар учун шошилинч руҳий, психотерапевтик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, зарурат бўлганда,

уларга қўшимча ёрдам бериш ишлари амалга оширилади.

Марказ Чилонзор тумани Дилхус кўчаси 38-уйда жойлашган. Оиладаги ўзaro тушунмовчилик ва зўравонликдан жабр кўрган аёллар мазкур марказ билан "1146" – "ишонч телефони" орқали боғланишлари мумкин.

Президент қарорининг 7-бандида марказлар босқичма-босқич ташкил қилиниши белгиланган бўлиб, ҳозирги

қунда республикаимиз бўйича 191 марказ ўз фаолиятини олиб бормоқда, шундан 167 та марказ ҳудудий адлия бошқармалари томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Айни вақтга қадар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан тақдим қилинган лойиҳа доирасида Республика марказига 25 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, Жиззах, Қашқадарё, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари марказлари раҳбарлари томонидан лойиҳалар тақдим этилди.

Мазкур марказларнинг очилиши Ўзбекистон аёлларининг ҳуқуқларини таъминлашни андозаларга мос бўлиши, уларни оғир руҳий ҳолатлардан олиб чиқиш орқали ҳаётга янгича назар билан қараш йўлидаги эзгу ҳаракатларнинг рўёбидир, десак асло адашмаган бўламиз. Қолаверса, мамлакатимизда яқинда қабул қилинган 2та муҳим ҳужжат – "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалдаги ижроси ҳамдир. Умид қиламизки, ташкил этилган бу марказларнинг фаолияти аёлларга бўлган ҳуқуқий муносабатни янгича босқичга кўтаришда катта хизмат қилади.

Зухра МЕЛИБОЕВА.

SANKT-PETERBURG SAFARI:

USTUVOR YO'NALISHLAR BELGILAB OLINDI

Хабарингиз бор, жорий йил 20 августда давлатимиз раҳбари "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармонни имзолаган эди. Мазкур Фармоннинг устувор мақсади сифатида эса меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, давлат томонидан уларнинг кундалик эҳтиёжлари ҳамда орзу-умидлари тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, мамлакат ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ишончли ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини кучайтиришдек ижросини бир зум ҳам кечиктириб бўлмас вазифалар белгилаб олинган.



Ўзбекистон Республикасининг турли идораларидан ташкил топган, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова бошчилигидаги делегация аъзолари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб у ердаги ватандошларимиз билан учрашиб, уларнинг

кундалик эҳтиёжлари ва орзу-умидлари тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилишни режалаштиришган эди.

Делегация аъзолари Санкт-Петербург шаҳрида меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг яшаш ва иш шaroитлари билан яқиндан танишдилар. Жумладан, Федерацияда энг йири

савдо ва бизнес марказларидан бирининг қурилишида иштирок этаётган 300 нафар ватандошимиз билан самимий мулоқот қилдилар.

Уларнинг кундалик ҳаётларида учраётган катта-кичик муаммолар ўрганилиб, ечимини кутаётган масалаларга соҳа мутахассислари иштирокида атрофлича жавоб қайтарилди. Шунингдек, йиғилганларга бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар, мазкур жараёнда ёшларимиз учун яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шоир ва ёзувчилар, таниқли санъат арбобларининг Ватан ҳақидаги шеърлари, мустақил диёримизни кўз қорачигидек асраш, туғилиб ўсган она юртга муносиб бўлишга чорловлари эса йигитларимизга алоҳида ғурур ва ифтихор бахш этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари икки ярим минг нафардан зиёд ишчилар меҳнат қилаётган тармоқ тикувчилик корхонасида бир гуруҳ ўзбек аёллари билан учрашиб, дилдан сўхбатлашдилар. Учрашувда фабрикада яратилган шароитлар, ижтимоий ҳимоя, ҳатто ишчиларнинг фарзандлари тарбияси билан боғлиқ жараёнлар ҳам эътибордан четда қолмади. Ўз ўрнида Санкт-Петербург администрациясининг миллатлараро муносабатлар ҳамда миграция сиёсатини юритиш кўмитаси вакиллари билан ҳамкорликда фуқароларимизга муносиб меҳнат шаро-

итларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди. Келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган мақсадли режаларнинг "йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Яна бир муҳим учрашув Санкт-Петербург давлат йўл алоқалари университетида бўлиб ўтди. Дастлаб олий ўқув юрти президенти билан кечган мулоқотда муассаса раҳбарияти ўзбекистонлик талабаларнинг иқтидори ва маданиятини эътироф этди.

Талабалар ва делегация таркибидан ўрин олган шоир ҳамда санъаткорлар иштирокида ўтган учрашувда эса истиқлолимизнинг 28 йиллик шодиёнаси, қисқа давр ичида юртимизда кечаётган ўзгаришлар, кадрлар сиёсати, ҳар соҳадаги янгиланишларда малакали мутахассисларга сезилаётган эҳтиёж хусусида сўз борди. Ўз навбатида, талабалар ҳам бугунги масъулиятли паллада яхши билим олиб, илмий кўникмаларни мустаҳкам эгаллаб, келажакда юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишларини билдирдилар.

Делегация аъзоларининг "Сайёр қабуллар", маданий кечалар, турли кўргазмалардаги иштирокидан сўнг Санкт-Петербургдаги таширфи ниҳоясига етди.

**Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси
Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар хизмати.**



XOTIN-QIZLAR BILAN ISHLASH MUTAXASSISLARI

bugun ularni qanday muammolar bezovta qilmoqda?

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мувофиқ, барча маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилган эди. Хўш, бугунги кунда улар ўзларига юклатилган вазифаларни қай даражада уддалашмоқда?

МАҲАЛЛАМИЗГА БОҒЧА ЗАРУР

— Маҳалламизда аёллар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар салмоқли, — дейди “Пахтаобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш бўйича мутахассиси Зумрад Қодирова. — Шу кунга қадар 40 нафардан ортиқ хотин-қизлар туман бандликка қўмаклашиб бўлими билан ҳамкорликда ип-йигирув, пойабзал фабрикасига ишга жойлашди, 13 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, 45 нафар уйда ўтирган хотин-қизларга “Ҳар бир оила — тadbиркор” дастури асосида имтиёзли банк сармоялари олишга қўмаклашдик. Яқин кунда аёллар гўзаллик саломи, юмшоқ кўғирчоқлар тайёрлаш йўналишида янги лойиҳалар ишга туширилади. Лекин бу маҳалламизда ишсиз хотин-қизлар йўқ дегани эмас. Асосий масала, аксарият хотин-қизлар фарзанд тарбиясидан ортиб ишлаш имкониятига эга эмас. Айни кунда маҳалламизда 410 нафар 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган бола бор. Худуддаги 10-мактабгача таълим муассасасининг умумий қуввати 110 нафарни ташкил этади, холос. Қолаверса, бу таълим маскани бир пайтда 3 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги болажонларга “хизмат” қилишини инобатга олсак, муаммо қанчалик муҳимлиги аён бўлади. Мавжуд масалага ечим



топиш мақсадида тadbиркор Абдурахим Ҳамдамов хусусий болалар боғчасини очиш ташаббуси билан чиқди. Аммо маҳалла ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган бу хайрли ишга сармоя ажратилмаётгани боис қурилиш билан боғлиқ бўлган ишлар мана икки йилдири, ечимини кутиб турибди.

МОҲИР КУЛОЛ НИМАДАН БЕЗОВТА?

— Моҳир кулол, Ўзбекистон халқ эстиси Набижон Қодировнинг ўғиллари ва келинлари бутун маҳалламизга ўрнак бўлмоқда, — дейди “Носгар” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассис Шопошшахон Абдуллаева. — Асроржон ва Адолатхон Қодировалар ясаётган ноёб совға буюмлари Германия ва Италия хунармандларининг ҳам эштиборини ўзига жалб этди. Кунга кеча ушбу давлатлар билан шартнома имзоланди. Қизил тупроқдан ясабди, табиий бўёқлар билан ишлов бериладиган буюмларни хорижлик замондошларимиз юқори баҳолашмоқда. Бу қўлигул кулоллар ўз фаолиятларини янада кенгайтириш учун қўшимча ер берилишини сўрашганига анча вақт ўтди. Бироқ ҳозирча бу мурожаат ҳокимият томонидан кўриб чиқилмади.

Бизнинг маҳалламизда хунар ўрганмаган оиланинг ўзи йўқ, десак ишонаверинг. Иш бор жойда эса, албат-

та, камчиликлар ҳам бўлади. Хунарманд ва тadbиркор маҳалладошларимизнинг талаб ҳамда таклифларини ўрганиш учун ўзим уларнинг хонадонларига тез-тез бориб туришни одат қилганман. Гарчи барча муаммоларини ҳал қилиб бера олмаган бўлсам-да, қўлимдан келган ёрдамимни аямайман.

Шу кунларда қайноналар кенгаши раиси Ҳақиқатхон Ботиралиева билан янги режалар устида иш олиб бораёмиз. Оилалар ўртасида ўзаро “Билимдон оила” кўрик-танловини ўтказмоқчимиз. Ушбу танловда оилаларда тарбия олаётган болажонларнинг мактабда олаётган баҳолари ҳам ҳисобга олинади. “Спортчи оила” танловини ўтказганимиздан сўнг эса спорт билан шуғулланадиган хотин-қизларимиз жуда кўпайди. Хуллас, бугунги замон ҳар дақиқада ўзгаришлар ва янгиланишларни талаб қилмоқда. Мен хунарманд ва билимдон маҳалладошларим билан фахрланаман. Мақсудахон Тожибоева ясаган мебелларни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз. Шоирахон Қодирова ва Гулнорахон Мелибоеваларнинг сопол лангалари, кўзалари бугунги кунда хорижда ҳам сотиляпти. Ферузахон Акбарова ҳамда Ферузахон Собировалар тиккан либосларнинг довруғи нафақат Риштон, балки бутун вилоятга кетган. Келгусида улар билан қўллаб-қувватлаш лойиҳаларни амалга ошириш ниятидаман.

ЛОҚАЙДЛИК ВА ЭЪТИБОРСИЗЛИК САБАБИ НИМАДА?

Шуни афсус билан таъкидлаш лозимки, барча ҳудудларда ҳам хотин-қизлар билан ишлаш мутахассислари қўтилганидек фаолият олиб бораётгани йўқ. Масалан, Бағдод тумани марказида жойлашган Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида бошланган беш ташаббус доирасидаги ишлар кўнгилдагидек эмаслигини юртдошларимиз таъкидлаб ўтишди. Устига-устак маҳалла фуқаролар йиғини биноси бугунги кунда яхши ҳолатда эмас. Тўғри, иш бор жойда камчилик, муаммолар бўлади. Аммо ишлаш учун оддий шароит бўлмаган жойда маҳалла, одамлар ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган масалалар қай тарзда ҳал этилади? Хуллас, кўмакчининг ўзи кўмакка муҳтож бўлган жойда унум ва барака бўлмайди.


Бир қараганда ҳаммаси рибсолағидек. Аммо шу кунга қадар белгиланган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қонқарли деб бўлмайди. Чунки бу лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга имтиёзли сармояларнинг етишмовчилиги билан изоҳланса, бошқа жиҳати ана шу лойиҳаларга амалий ёрдам кўрсатувчи мутасаддилар лоқайдлик ва эътиборсизликка йўл қўймоқда.

МАСЛАҲАТЛИ ТҮЙ ТАРҚАМАС

Маҳаллани кадрлаб, унинг ҳар бир қадриятини эъзозлаб келган болаларимиз ва моёларимиз бир ҳақиқатни англаганлар: Маслаҳатли туй тарқамас. Қолаверса, кўпдан кўн кочиб қўтулмаганидек, муаммолар ҳам кўпчиликнинг ёрдамида арзимас ташвишларга айланади. Кузатувлар ва тadbиркорлар шуни кўрсатмоқдаки, оилалардаги ажралишлар ва нотичликларнинг келиб чиқишига аксарият ҳолатларда қайнона-келин ўртасидаги ўзаро тушунмовчилик ҳолатлари сабаб бўлаётган экан. Демак, хотин-қизлар билан ишлаш мутахассиси эндиликда янгича ёндашув ва ташаббуслар билан чиқиши, кечаги кундан ҳам ҳушёрроқ бўлиши зарур.

Мухтасар **ТОЖИМАТОВА**,
“Оила ва жамият” мухбири.

KUZDA — YUQUMLI KASALLIKLARDAN ENTIYOT BO‘LING



Юқумли касалликлар соғлиғимизга ҳамиша хавф солиб туради. Айниқса куз, киш, баҳор фаслида саломатлигимиз билан боғлиқ муаммоларга кўп дуч келамиз. Хўш, ўзи юқумли касаллик нима, қандай қилиб ундан ҳимояланиш

мумкин?

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида юқумли касалликлар муаммолари бўйича ўтказилган илмий-амалий анжуманда ана шу саволларга атрофлича жавоб берилди. Хорижлик

ҳамда маҳаллий мутахассислар томонидан соҳадаги муаммолар, эришилаётган ютуқлар муҳокама қилинди.

Вирусология илмий-tadbирот институти директори, профессор Эркин Мусабоев мамлакатимизда юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бугунги кунда дунё миқёсида юқумли касалликлар, жумладан, вирусли гепатитнинг В ва С тури билан касалланиш кўпаймоқда. Маълумки, гепатит В ўз вақтида аниқланиб, даволанмаса, жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома, яъни жигар саратони келиб чиқишига сабаб бўлади. Вирусли гепатитнинг С тури билан касалланган беморларни даволаш бўйича самарали дори воситалари амалиётга кириб келган бўлса-да, бу усулда даволаниш харажатлари юқорилиги сабабли дунёдаги барча мамлакатлар

аҳолиси ҳам бу имкониятдан фойдалана олиши амримаҳол. Қолаверса, дунёнинг барча ҳудудидида ноёб ва замонавий тиббий амалиётлардан бири — жигар трансплантацияси ўтказилиши имконияти ҳам чекланган. Шундай шароитда энг самарали ва мақбул йўл гепатитларнинг олдини олиш, бу йўналишда тиббий профилактика ишларини ривожлантириш, аҳолининг барча қатлами тизимли тиббий санитария ёрдами билан қамраб олишдир.

Юқумли касалликлар муаммолари, хусусан В, С ва Д гепатитлар, грипп, ОИВ инфекцияларини миллий даражада назорат қилиш стратегиясига бағишланган мазкур анжуманда юқумли касалликларнинг эпидемиологияси, диагностикаси ва даволанишига алоҳида эътибор қаратилди. АҚШ, Япония, Россия, Беларуссия каби хорижий давлатлар етакчи экспертларининг тақдиротлари ўтказилди.

Моҳигул ҚОСИМОВА, uza.uz

SANAM OPANING "SHUHRA TI"

Меҳнат инсонни улуглайди. Унинг ман-зилини саодатманд-лик сари қорлайди. Бу бор ҳақиқат. Санам Жумаева меҳнатдан бахт, обрў топган хотин-қизларимиздан.



"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Бухоро вилояти Пешку тумани бўлими раҳбари, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Санам Жумаева қаерда, қандай лавозимда ишлаганини ўзининг ватанпарварлиги, фидойилиги, чўнг иродаси, қатъиятли сўзи билан ажралиб туради.

Оиласи, фарзандлари билан нафақат пешкўликларга, балки вилоятимиз, республика-миз ахлига ҳам ибрат қилса арзийди.

Аёли эъзоланган, оналари иззат топган, фуқароси элнинг ардоғида бўлган юрт вакили сифатида Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан Президентимиз томонидан "Шухрат" медалига муносиб кўрилди.

Пешкудаги ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир фуқаронинг кўнглига яқин Санам опанинг қувончи бугун бутун пешкўликларнинг шодлиғига ҳамоҳанг.

– Яратган меҳнаткаш инсонларга шодлиқни ҳам қўша-қўшалаб беради, – дейди Санам опа кўзлари қақнаб. – Мустақиллик байрамини ҳар йили янглик ва ютуқлар билан кутиб олсам деб ҳаракат қиламан. 70 гектар еримиздаги мавжуд "Малишояк" фермер ҳўжалигимиз пахтаси, ғалласидан кўз қамашади. 100 ўринли "Райхона юлдузчалари" хусусий оилавий боғчамиз ишга тушиш арафасида. Гўё "Шухрат" медали меҳнатларим қадр товланганини кўрсатаётгандек мен учун.

Ҳа, Санам опа ҳадсиз ҳақ. Бу юртда ҳалол меҳнат қилган киши борки, қадр топади. Қаддингиз, қадрингиз баланд бўлсин, Санам опа!

Моҳира ШАКАРОВА,

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Бухоро вилоят бошқармаси матбуот котиби

NOZIK MASALAGA NOZIK YONDASHUV

Инсон кўз очиб кўрган, меҳрни ҳис этган мўъжаз Ватани бу оиладир. У шу масканди шахс бўлиб шаклланади, камолотга эришади. Оиланинг қадрият даражасида юксалиш тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Меҳр-оқибат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби туйғуларнинг илк кўринишлари бобо-буви, ота-она, ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин яқин қариндошлик ришталари ўзаро муносабатлар жараёнида мустақамланиб боради.

Оила – ор-номус, оила – гурур, оила – энг қадрли гўша. Унинг маънавий сарҳадлари шажаранинг обрўсини белгилайди.

Оила институтини мустақамлаш борасида олиб борилаётган фаолият, оила муаммолари билан боғлиқ масалалар оммавий ахборот воситалари – матбуотда ёритилиши бу жараёнда журналист этикаси меъёрларига ҳаммавақт ҳам эътибор қаратилаётгани, деган саволга жавоб излаймиз. Бинобарин, оиладаги эр-хотин муносабатлари, қайнона-келин ўртасидаги келиш-мовчиликлар, низолар, ажримлар ҳолатини, келиб чиқиш сабаблари билан боғлиқ мақолалар тайёрланишида журналист этикаси, унинг касб маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, суд йиллик журналистик фаолиятим давомида асосан ҳуқуқий мавзуда мақолалар бўлиб келган. ОАВ тизимига оид қонун талабларидан келиб-чиқиш жиноят тафсилотлари, қонун бузилишларга қўлланган жазо чоралари, текширишлар натижалари билан боғлиқ танқидий таҳлилий материаллар, суд очеркларини, кўрсатувлар тайёрланишида судланувчи ҳақида айтилган гап,

билдирилган ҳар бир фикр, ҳатто журналистик мулоҳаза ҳам мақола "қаҳрамон"нинг оила аъзолари, фарзандларига салбий таъсир кўрсатганига гувоҳ бўлганман.

Ҳозирги фаолиятим бевосита оилалар билан боғлиқлиги туйғули бу масала қанчалик нозик эканлигини ва шунга яраша оила масаласида ёндашув ҳам ана шундай эҳтиёткорликни талаб этади. "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси телеграмм каналларида кундалик қилинган ишлар, яраштирув ёки ўзаро жанжал, низоли ҳолатлар, хусусан ажримлар билан боғлиқ фактлар, расмлар ва изоҳлар билан бериб борилаёпти. Мобил гуруҳларда, фейсбукда, ижтимоий тармоқларда ҳам маълумотлар қўйилмоқда. Бу билан соҳа ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига сабабчи бўлишга апто. Аммо ҳар бир корхона ва ташкилотда матбуот хизмати ходими (штатсиз бўлса-да фаолияти йўлга қўйилган) ахборот хавфсизлигини таъминлаш, турли маълумотларнинг чиқиш кетиши олдини олишда уларнинг масъулиятини ошириш зарур. Оила

мавзуси билан боғлиқ ҳар қандай мақола матбуотда ёритилишида журналистдан чуқур ва таҳлилий ёндашув, маҳорат ва салоҳият талаб этилади. Кимнингдир адабиёт, билиб билмай йўл қўйган хатоси, дейлик қонун бузилиши ҳолати ёритилган мақола туйғули унинг фарзандлари, ота-онаси, яқинлари тақдири, келажаги, обрўсига ўзимиз билмаган ҳолда таъсир ўтказиб қўйишимиз мумкин. Шунинг учун журналистдан бу масалада энг мақбул усулдан фойдаланиш, ахлоқ – этика нормаларига амал қилиш, баъзан ёзилмаган қонунлар – қадриятларимиз нуқтаи назаридан ёндашув зарур. Оиласи сирини кўчага чиқиб кетишини ҳеч қим хоҳламайди. Ёки "Сени отангни телевизорда кўрсатишди", дейилган гап ўсимир ёшидаги болага қанчалик таъсир қилишини ўйлаб кўрайлик.

Журналистик касб этикасида адолатли, холис, ошкораликдан ташқари махфийлик, сир сақлай билиш каби мезонлар ҳам борлигини унутмайлик.

Оила миллий қадрият даражасидаги ўта нозик масала. Оила ҳақида мулоҳазали, таҳлилий материаллар тайёрланишида шу оиланинг аввало маънавий муҳити, жамиятга, одамларга тегаётган нафи, ибратли томонларини ёритиш, танқидий ёхуд суд ҳужумлари асосида тайёрланадиган мақолаларда судланувчи ортида оиласи борлигини ёдда сақлайлик. Инсонлар тақдири, келажаги, ҳаёти, оиласи ҳақида ёзаётганда ҳиссиётларга берилмаслик мақсадга мувофиқ.

Мунаввара

YANGI IJODKORLAR MAKTABI

Шу пайтга қадар юртимизнинг 6 та ҳудудда олти адаб номи билан аталган ижод мактаблари бор эди. Улар Наманган вилоятида Исҳоқхон Ибрат, Жиззах вилоятида Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Қорақалпоғистон Республикасида Ибройим Юсупов, Қашқадарё вилоятида Абдулла Орипов, Фарғона вилоятида Эркин Воҳидов, Андижон вилоятида Муҳаммад Юсуф номдаги она тили ва адабиёти ҳамда чет тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар эди. Бу йил уларнинг сони учтага ортди. Хива шаҳрида Муҳаммад Ризо Огаҳий, Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева, Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди.

2019–2020-ўқув йилида Тошкент шаҳрида фаолият бошлайдиган ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабининг 5–8 синфларида 120 нафар ўқувчи қабул қилинди. Ижод мактабида ўқиш истағида бўлган 488 нафар ўқувчилар ҳужжатларини топширишди. Улар ижодий, оғзаки имтиҳон, тест синовлари асосида сараланиб, ҳар бир синфга 30 нафардан, жами 120 нафар ўқувчи қабул қилинди. Айни вақтда мактаб ўқувчилари вақтинчалик Олмазор туманидаги 119- мактаб биносида ўқитилмоқда. Қувонарлиси, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ барпо этилаётган Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғида адабий музей, кутубхона билан биргаликда ижод мактаби биносининг қурилиш ишлари бошланган.



Абдулла Қодирий ижод мактабига қабул қилинган ўқувчиларнинг илк дарс соати Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси залида ташкил этилди. Унда таниқли ёзувчи, шоирлар, адабиётшунос олимлар, ўқитувчилар, Абдулла Қодирийнинг оиласи, ижод мактабига қабул қилинган ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Мазкур билим масканида ихти-сослигидан келиб чиқиб, она тили ва

2019–
2020-ўқув
йилида Тошкент
шаҳрида фаолият бош-
лайдиган ўзбек роман-
чилиги асосчиси Абдулла
Қодирий номидаги ижод
мактабининг 5-8 синфла-
рига 120 нафар ўқувчи
қабул қилинди.

адабиёт фанлари, хорижий тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади. – Ижодий танлов шаффоф ва адолатли тарзда ўтказилди, – дейди Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби директори Нилуфар Юлдашева. – Жараёнга Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда зарур чораларни кўриб, ўқувчилар ва ота-оналарга барча шароитлар яратилди.

Ҳар бир ота-она танлов жараёнини оилаини қузатиб бори. Ўқитувчиларни ҳам танлов асосида энг яхшиларини танлаб олаймиз. Чунки бу даргоҳда таълим бериш масъулияти катта деб ўйлайман.

– Олмазор туманидаги 298- мактаб-ни 5-синфини битириб, ижод мактабига 8-синфга қабул қилиндим, – дейди Фарангиз Актамхонова. – "Жаннатим-онам" мавзусида ёзган иншоимга 46 балл, оғзаки саволлардан 26 балл олдим. Тест синовларидан ҳам ижобий натижага эришиб, ушбу даргоҳнинг бахтли ўқувчисига айландим. Кичик синфдалигимдаёқ шеърлар машқ қилиб турардим. Адабиётга, айниқса, шеърятга меҳрим бўлакча. Буни сезган ўқитувчим Моҳиғул Жўраева мазкур мактабда ўқишимни тавсия этди. Отанам ҳам бу фикрни қўллаб қувватлади.

Бу мактабларни аёло баҳоларга битирган ўқувчиларга келгусида олиёғув юрти имтиҳонларида она тили ва адабиётдан энг юқори балл берилиши ушбу мактабларда она тили ва адабиёт фанларининг чуқур ўқитилишига, ўқувчилар орасида тилимиз ва адабиётимизни ўқинишга эътиборнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу мактаблар ходимларининг маошлари оширилиши билан улар елкасидаги масъулият ҳам ортади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларидан бу мактабларда маҳорат сабақлари олиб борувчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилиши ҳам айнаи мудоабдор.

Чарос ДЎСТМАТОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
oilavajamiyat@mail.ru

ROMANNI QISSAGA AYLANTIRGAN NOSHIRLAR

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятига қаратилаётган эътиборни кўриб қувонамиз. Сўнгги йиллар ичида бу соҳада анчагина ўзгаришлар, ижобий ислохотлар кузатилмоқда. “Китоб ўқинг, машина мининг”, деган шиор кўплаб ёшларни қизиқтириб қўйди, десак муболаға бўлмайди. Ҳеч бўлмаса, танловларнинг ордидан бўлса ҳам китоб қидириб, адиблар ҳаётини ўрганиб, изланаётган ёшларнинг тобора кўпаяётгани яхши, албатта.

Бугун кутубхоналарда китоблар ҳам етарли, ўқимоқчи бўлган китобхонлар ҳам бор. Мамлакатимиздаги нашриётлар адибларимиз, ёш ижодкорларимизнинг асарларини тинимсиз китоб ҳолида нашр қилишмоқда. Бундан кўнглимиз тўқ. Бироқ, нашр қилинаётган асарлар орасида талабга жавоб бермайдиганларнинг ҳам мавжудлиги, имловий хатоларини айтмай тураёлик, китобхонни чалғитадиган, кўз илғамас, аммо каттагина хатоларга қўл урилганлиги ачинарли ҳолат. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг 2018 йилда нашр қилинган “Икки эшик ораси” китобини шахсий кутубхонамга қўшиб



қўйдим. Китобни варақлар эканман, беихтиёр муқовадан кейинги бетда асар номи киритилиб, ундан сўнг қисса деб ёзиб қўйилганлига кўзим тушди. Асардаги маълумотларда барчаси роман деб юритилгану фақат шу биргина

бошида қисса деб таъкидланган. Ташкентдаги “Адабиёт уқунлари” нашриётида тайёрланган китобдаги бу янги “ихтиро”ни кўриб, нашриёт томонидан буюк адибимизнинг меросига нисбатан эътиборсизлик қилинганлигини тушундик. Тагин, сўзбошида Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маълумотларини нашр этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорининг келтирилганлигию, унинг ордидан “Ушбу нашрнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у ўзбек тилининг ҳозирги имло қоидаларига тўлиқ мосланган шаклда берилди”, дея ёзилганлиги кулгумизни келтирди. Романи қисса дея нашр қилиб, “ихтиро” қилишга уста ноширлар, нашрларининг ўзига хос жиҳатларини келтириш ўрнига хатоларни тўғрилалса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Китобнинг дастлабки бетидея қисса, энг сўнгги бетидея эса роман дея келтирилиши, манаман деган китобхонни ҳам чалғитиши шубҳасиз. 8-9 сифнда ўқибётган ука-сингилларимга янги китобни кўрсатиб, “Икки эшик ораси” ро-

манми ёки қиссами, сингари саволлар берганимда, “Ана ёзиб қўйишбдику: ака, кўрмадингизми, қисса экан”, дея жавоб олганим ва кичик хатонинг катта кўринишдаги салбий оқибатларга олиб келишини англаб, қайғурдим. Сабаби, китоб минг нусхада нашр қилинган. Бу дегани, минг нафар оилага етиб борадиган “Икки эшик ораси” асарининг қисса дея келтирилиши кейинги бетларда роман деб ёзилиши аён бўлади. Ука-сингилларимизнинг асарни қисса дея, ўрганиб олишларини кўз олдимга келтириб, нашрдаги мунозаралар ва компьютерда терувчи Лолаҳон Қўзибоева ва Дониёрбек Салиевлардан жуда хафа бўлдим. Танқид қилишдан мақсад эса, кимнингдир хатосини матбуотда кўз-кўз қилиш эмас, балки ўз эътиборсизлигимиздан хулоса чиқаришимизни тушунтиришдир. Хуллас, романларимиз роман ҳолида китобхонларга етиб боришини, турли нашриётларда чоп этилиш арафасида ўзгариб кетмаслигини хоҳлаймиз.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Сирдарё вилояти Мирзаобидов туманидаги 15-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

КИТОВ — КИТОВХОН ВА КУТУБХОНА

Маълумки, биз китобларни уларнинг турлари, мақсад-мавзулари ва аҳамиятига қараб ўрганаемиз. Бадий ижтимоий-сиёсий, қадимий ва шу каби турдаги китоблар ўсиб келаётган ёш авлод, қолаверса, ҳар бир китобхоннинг билим савиясини оширади, тафаккурини ривожлантиради, фикр доирасини кенгайтиради ва маънавий-руҳий озик беради. Халқимизда: “Илмли ўзар, илмсиз тўзар”, деган нақл бор. Бу борада Сукрот ҳам фикр юритиб: “Фақат бир згулик бор – билим ва фақат бир ёмонлик – жаҳолат”, деган экан.

Дарвоқе, ўқув даргоҳимиз қошида ташкил этилган ахборот-ресурс маркази ходимларининг диққат-

эътиборини мустақил республикамиз учун қомил инсонларни тарбиялаш, она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий мафкура ва миллий гоёни улар онгига синдириб боришга қаратилган. “Китоб ёғдуси ҳаммиса йўлимизни ёритиб турсин”, “Бадий адабиётлар – миллий гоё жарчиси”, каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шуниси қувонарлики, ўқув даргоҳимизда китоб ярмаркалари ўтказилиб уларда янги адабиёт нашрлари ташкил этилмоқда. “Мактаб – маҳалла – жамоат ташкилотлари” хайрия тадбирлари ўтказилиб

мактаб кутубхонаси фонди бойитиб борилмоқда. Ҳозирда АРМда жами 20530 та адабиёт бўлиб, шундан 1420 таси бадий адабиёт, қолганлари дарслик, ўқув қўлланмалари ва сиёсий адабиётлар ҳисобланади. Улуғ шоир ва ёзувчиларнинг юбилейлари олдидан маҳаллий ижодкорлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ҳар ойда бир марта энг кўп китоб ўқиган ўқувчилар рағбатлантирилиб бориляпти. Малика Турсунбоева, Ҳожаикбар Абдурахимов, Элбек Холматов каби ўқувчиларимиз шаҳар ва вилоят китобхонлар кўриқ-танловларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллашди. Бунда кутубхона мудираси, Матлуба Малла-

еванинг хизматлари катта. Йилнинг тўрт фасл манзараларини ифодаловчи фотосуратлар, этюдлар китобхон онги ҳамда фикр доирасини кенгайтириш, китобни ёзозлаш ва қадрлашга ундайди. Биз, педагогларнинг асосий вазифаларимиздан бири китобхон қалбидея халқимизнинг маданий-маърифий, тарихий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари, урф-одатлари ҳамда анъаналарига эътиқод туйғуларини шакллантиришга қатарилмоғи лозим.

Дилшода ҚУЛЖОНОВА,
Галлаорол туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

НАБИРА БУВИСИНИ 29 ТА ШТАТГА ОЛИБ BORDI

Америкалик Бред Райан бувисини тез-тез эслаб туради. У болалигида мактаб таътилини деярли ҳар йили бувисиникида ўтказар эди. Университетнинг навбатдаги курсини тамомлаган Бред бувисини кўриш учун қишлоққа келди. Ўз саёҳатлари ҳақида тўлқинланиб севимли бувижонисига гапира бошлади.



Бувиси шунча ёшга кириб ҳеч қаерга бормаганини эшитган Бред ҳайрон қолди. Кампир бутун умрини Огайо штатидаги кичкина қишлоқда болалари ва набираларини тарбиялаш билан ўтказган.

Мана, тўрт йилдирки, Бред таътилида бувисини қайсидир шаҳарга олиб боради. Набира бувисини 29 та штатга, 38 та миллий боғларга олиб борди. 89 ёшли Жой қўлида ҳасса билан ўрмонлар, тоғлар, шаршаралар ва океанларни кезмоқда.

“Ҳар куни эрталаб уйғониб, тирик эканлиги учун Худога шўкр қиладиган бувимнинг кўзлари билан дунёга қаранг – бу жуда қадрли”, дейди Бред. – Қариялар билан мулоқот қилишни хуш кўрмайдиганлар ҳаётда ҳеч нарсани тушунмишмайди. Кексалардан жуда кўп нарсани ўрганса бўлади. Бувим умрида биринчи марта кўраётган барча нарсаларни эҳтимол охирига марта кўраётгандир. Бу фикр менинг ҳаёт тарзимни тубдан ўзгартирди.

Набира ва буви яқин кунларда АҚШдаги 61 та миллий боққа ташриф буюришни режалаштиришган.

MUSHUK BOQQANLARGA MAOSH TAYINLANDI

Ibratli voqealar

Япон компанияларидан бири ўзгача мукофотлар тизimini жорий этди. Мушукларга эга бўлган ходимлар ҳар ойда уй ҳайвонлари учун қўшимча иш ҳақи олишади. Инновация нафақат ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш, балки одамларни бахтли қилиш учун мўлжалланган. Жуда зич иш дастури туфайли кўплаб ишчилар мушукларини офисга олиб боришади акс ҳолда уларга ғамхўрлик қилиш қийин. Ҳукумат бунга қарши ҳеч нима қила олмайди.



“Ҳар сафар мушуклар нотўғри жойга чиқишади ёки клавиатурадан юришади, бизнинг ишимиз тўхтади”, – дейди бош директор Хидиноба Фукуда. – Баъзан ҳатто жиддий муаммоларга сабаб бўлади, лекин биз ҳар доим кулаемиз. Мушуклар кескин вазиятларни бартараф этишда ёрдам беришади ва ходимлар бир-бирлари билан яқинроқ бўлишади, чунки улар ишдан ташқари умумий фикрга эга.

Ходимлар мушукларига озик-овқат ва бошқа харажатлар учун ойига қўшимча 5000 иен (50 доллар) олишади. Бу маблағни улар мушукларни овқатланишига сарфлашади.

Жасмин тайёрлади

QULOQLARIM ESHITMAYDI

Мен Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Абдулла Қодирий МФЙда яшайман. Исми Шоира. Ёшим 27 да. Оилада олти фарзандим, мен учинчиси. Инсон ҳаёти давомида ниманидир йўқотса шуни қадрига кўпроқ етadиган бўлиб қолар экан. Соғлигимни етишмовчилик туфайли ўз вақтида даволана олмай, йўқотиб қўйдим. Етишмовчилик деганимни сабаби отам ҳам, онам ҳам оддий инсонлар. Отам II гуруҳ ногирони чунки Чернобилда хизмат қилган. Онам уй бекаси. 1992 йилда туғилган укам ёшлигидан касалланиб қолиб оғир жарроҳлик операцияларини бошидан кечирди. Отам ўзи касалланд бўлса-да шу укамни даволаш учун тинмай ишлади. Топган туганларини дори-дармонга, касалхоналарга сарф қиларди. Афсуски, укамнинг соғлигида ўзгариш бўлмади. Чунки уни буйрак етишмовчилиги қийнар эди. Ота-онамни қийналиб укам учун ҳаракат қилишаётганларини кўриб, кечалари йиғлаб чиқаман. Мен олдимга мақсад қўйдим, ҳамшира бўлиб укамга ўзим қарайман деб. Шароитимиз оғирлигига қарамай тиббиёт коллежига ўқишга кирдим.

Ўртоқларим чиройли либослар кийиб ўқишга келишганда, уларни олдида ўзимни юпун кийимларимдан уялиб бир четда юрардим. Олдимга

Ўзбек хонадонидида интизорлик билан кутилган ва ҳаммага хурсандчилик улашувчи чақалоқнинг дунёга келиши ўз навбатида ота-онага жиддий таъсир уялият юклайди. Янги меҳмонни маънан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш ана шундай вазифалардан ҳисобланади. Болани жисмонан етук қилиб вояга етказишда ўзбек миллати асрлардан бери бешикка таяниб келади. Ал-Хоразмий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бурхониддин ал-Марғиёний каби улуг зотлар ҳам бешикка камол топишган. Ҳозир ҳам бешикнинг деярли ҳар бир хонадонда ўзига яраша ўрни бор. Гарчи бешик хусусида қарама-қарши фикрлар тарқалиб, тиббиёт ходимлари томонидан муҳокама мавзусига айланган бўлса-да, у ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Бешик тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Бешик ҳақидаги илк маълумотларни Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатит-турк» асарида учратасиз. Боланинг таги қуруқ бўлишини таъминловчи сумак ва тувак эса фақат Ўрта Осиё халқларига хос. Бешикдаги ўзига хосликни ўрта аср усталарининг ихтисоси деб тахмин қилиш мумкин. Бу ҳақда аниқ маълумотлар мавжуд эмас.

Афзалликлари:

Узоқ тарихга эга бўлишига қарамай, бирор тадрижий тақомилликни бошдан кечирмаган бешикнинг аввало афзалликларини санаб ўтадиган бўлсак: бола ухлаганда бешик устидаги ёпинчиқ чақалоқни турли хил ҳашаротлардан ҳимоя қилади. Бола бешикнинг рангли безакларига қараб овунади, ранглари ажратишни ўрганади. Таги ҳар доим қуруқ тургани учун тинч ухлайди. Қовузда ётган боланинг умуртқа суякларини текис бўлади. Тагликка кетадиган ҳаражат ва таглик ювишга ҳожат қолмайди.

Чақалоқ ётганда юзтубан ўгирилиб қолмайди. Бола қўли билан юз-кўзини тилиб, жароҳатламайди, бармоғини оғизга солиб сўра олмайди.

Бешикнинг ички иқлими доимий ҳарорат мўътадиллигини сақлаб, чақалоқнинг исиб кетишига йўл қўймайди.

ammo gazeta-jurnal o'qishga imkon topaman



Gazeta aralashuvidan so'ng

қўйган мақсадим учун ҳам буларга эътибор бермасдан олға сари интилдим. Ҳамширалик дипломини қўлимга олганимда барча қийинчиликларим ортда қолди. Укамга ўзим қарай бошладим. Лекин бу қувончим узоққа чўзилмади. Укамни битта буйраги қуриб, иккинчи буйрагига қуриш ўтган эди. Ота-онам бунини унчалик тушунишмасам ҳам оқибати нима билан туғанини яхши билардим. Маблағимиз йўқлиги сабабли укам ҳозир кўз ўнгимда сўлиб бормоқда. Тезлик билан унга буйрак

қўйилмаса оқибати аён. У ҳали ёш, яшагиси келади. Кечалари ҳеч кимга кўрсатмай йиғлаб чиқишлари мени эзди. Бу кунлар ҳам ота-онамга камлик қилгандай мен ҳам соғлигимни йўқотиб қўйдим. Қулоғимни шомола тишим туфайли яхши даволана олмай иккала қулоғим ҳам эшитмай қолди. Уша кунларни эсласам дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетади. Ўзим ҳам кечалари Оллоҳга шифо беришини сўраб илтижо қиламан. Бир олам орзуларим бор эди. Турмушга чиқсам,

фарзандлар кўрсам, мен ҳам бахтли бўлсам, деб ўйлардим. Орзу қилишга ҳам кўрқардим, чунки қулоқларим умуман эшитмасди, даволаниш учун эса маблағимиз йўқ эди. Ота-онамни қийнагим келмай тақдиримга рози бўлиб қўйгандим, яшашга иштиёқ ҳам қолмаганди. Шундай кунларнинг бирида ҳаётимда жуда ҳам катта бурилиш рўй берди! Қулоқларим эшитмайди, лекин газета-журналларни ўқишга вақт топардим. Шунда мени қўлимга "Оила ва жамият" газетаси тушиб қолди. Шу газетга бор дардларимни ёзиб, ёрдам сўрагим келди ва шундай ҳам қилдим. Улардан ёрдам сўраб адашмаганимни билдим. "Оила ва жамият" газетасининг ёрдами билан менга Тошкентдаги 2 сонли клиникага бепул ётиб даволаниш учун ордер олиб беришди. Қанчалик кўз ёш билан ордери олиганимни билсангиз эди. Клиникада бепул даволандим. Энг қувонарли ҳолат мен эшита бошладим. Даволанишнинг иккинчи кунидеёқ ўзгаришлар бошланди. Мен онажонимнинг овозларини ҳеч қийинчиликсиз эшита бошладим. Бунинг учун фидойи ва меҳрибон инсонлардан ташкил топган газета жамоасига, қолаверса соғлигимни тиклашда ёрдамларини аямаган барча шифокорларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Шоиранинг сўзларини Мукаррам Азиз ёзиб олди.

QADRİYATLAR BESHIKDAN BOSHLANADI



Бешик тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Бешик ҳақидаги илк маълумотларни Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатит-турк» асарида учратасиз. Боланинг таги қуруқ бўлишини таъминловчи сумак ва тувак эса фақат Ўрта Осиё халқларига хос.

Айтиш жоизки, чаноқ-сон бўғими дисплазияси (нотўғри ўсиш) билан туғилган болаларни бешикка беламаслик керак. Чунки шифокорлар бундай болаларнинг оёқлари бириктирилмаган ҳолда очиқ туришини тавсия этишади. Болада бундай туғма касаллик бор-йўқлигини билиш учун ортопед кўригидан ўтказиш лозим. Туғма юрак пороги бўлган болаларда баъзан нафас олиши қийинлашиши ҳолатлари учрайди. Шунинг учун уларга ҳам бешик тавсия этилмайди. Кўпинча катта вазндаги чақалоқлар туғилиш жараёнида бош суяги деформацияланади. Натижада, бош суяги ичидега қон босими баланд бўлади. Улар бешикка беланса, бешикни тебратмаслик ёки охиаста тебратиш лозим.

Шифокорлар бешик хусусида аниқ бир тўхтамга келишмаган ва улар бешикни мунозарали мавзу деб ҳисоблайдилар, айримлари эса бешикни муттасил тебратиш бола миёсига шикаст етказиши, ҳали яхши қотиб улгурмаган бош суягининг чайқалиши, миёга қон қуйилишига олиб келиши мумкин, деб таъкидлайдилар.

Шотландиялик педиатрларнинг

тадқиқотларидаги кўрсаткич ҳам жуда паст экани бешикни ёқлайдиган шифокорларнинг эътиборини тортган. Шикастланган чақалоқлар бешикни нотўғри тебратиш ёки бошқа сабаблар туфайли зарар кўрган бўлиши мумкин. Қолаверса, гўдакларнинг тўлиқ битмаган ва юмшоқ бош суякларининг компенсатор имкониятлари баланд бўлади. Уларда бош суяк деформацияси кам учрайди. Шу боис мия чайқалаш, бош суяк шикастланиши каби ҳолатларга бешикни сабабчи қилиб кўрсатиш етарли асосга эга эмас. Айниқса, соғлом туғилган бола учун бешикнинг зарар етказиш эҳтимоли жуда кам. Фақат чаноқ-сон бўғими дисплазияси билан дунёга келган болаларни бешикка ётқизмаслик тавсия қилинади.

Шифокорларнинг фикрларидан шундай хулоса қилиш мумкин, тўғри ишлатилганда бешикнинг салбий таъсири йўқ. Қуйида бешикни нотўғри қўллаш оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни келтириб ўтамыз:

- Боланинг узлуксиз, узоқ вақт бешикда ётиши зарарли. Кун бўйи бешикда ётиш натижасида, қиш ва кўз

ойларида бола терисига ёруғликнинг тушиши камайд. Бу терида D витамини синтез бўлишига тўсқинлик қилади ва рахит касаллигини келтириб чиқаради. Касаллик натижасида бола организмда кальций алмашинуви бузилиб, суяклар юмшоқлашади, бошнинг энса қисми текисланади. Суяклар қийиқ ўсиши кузатилади;

- Бешикдаги болани бир томонга қаратиб эмизish туфайли кўпинча бирламчи бўйин қийиқлиги келиб чиқади;

- Сумак гигиеник талабларга риоя этилмаган ҳолатларда ишлатилганда ташки жинсий аъзоларда контакт дерматитлар келтириб чиқариши мумкин.

Шу боис бешикни меъёрий ва тўғри ишлатишда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- Бешикни қаттиқ ерга эмас, кўрпача устига қўйиб тебратиш керак;

- Бешикда бола фақат ухлайдиган пайт ётгани маъқул. Уйғоқ маҳалда уни қўлга олиб орқаларини охиаста уқалаш ва ўйнатиш керак;

- Бешикни офтоб тушадиган жойга қўйиш ёки гўдакни маълум пайтларда офтобга олиб чиқиш лозим;

- Болани бешикда ётган ҳолда эмизмаган маъқул. Агар шундай қилишга тўғри келса, галма-галдан икки томондан эмизish керак;

- Бешикни охиаста тебратиш даркор. Тез ёки қаттиқ тебратиш бола учун хавfli;

- Чақалоқни 1 ёшгача ёки ўзи мустақил юрадиган бўлгунча бешикка белаш тавсия этилади. Бу пайтга келиб болада пешобни назорат қилиш қобилияти шакланган бўлади;

- Сумакни ишлатишдан олдин юмшоқ бўлиши учун ёгга ботириб олиш, уни тозалаб, гигиенага эътибор бериш лозим;

- Бешикни иситиш ускуналари ёнига қўймаслик керак. Қуруқ ҳавода ион таркиби бузилиб, болага ноқулайлик туғдиради;

- Хатна қилинган гўдакни бешикка сумаксиз белаш керак;

Марям АҲМЕДОВА
тайёрлади.

Gulchehra NOSIROVA,
O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan artist

“AYOLNING YOMONI BO'LMAYDI”

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат муסיқали театрида айни кунларда намойиш этилаётган “Антиқа совчилар” спектаклида Гулчеҳра Носирова томонидан талқин этилган Марямхон образи томошабинларга манзур бўлмоқда. Марямхоннинг антиқа қилиқлари асар номига жуда мос тушгандек. Хўш, томошабинни гоҳ кулишга, гоҳ афсусланишга ундовчи бу образнинг моҳиятида нима муҳассас? Шу каби саволларимизга гурунг давомида актрисадан жавоб олишга уриндик.



САНЪАТКОР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Гулчеҳра Носирова. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

Ўз фаолиятини 1985 йилда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат муסיқали театрида хор жамоасида солист бўлиб ишлашдан бошлаган. Илк ижро этган роли Исфандиёрнинг “Чароғондир чўлда юлдузлар” асарида Зоира образи. “Хийлаи шаъри”да Малак, “Супер қайнона 1”да Сурайёли, “Супер қайнона 2”да Холида холдинг, Машрабда канизак, “Аршин малолон”да бош қаҳрамон – Гулчеҳра, “Хонима хоним”да Хонима, “Сарвқомат дилбарим”да она образларини талқин этган.

Шиори: “Ҳар доим ўзимга нисбатан талабчан бўлишга интиламан!”

тармоқларда давлат корхонасида ишлаб, ҳомиладорлик таътилига чиққан бола тарбияси билан банд оналарга бола пули маҳалладан эмас, ўзи ишлайдиган корхона ва ташкилотлардан ажратилиши ҳамда болани боғчага бериш ёшини 3 эмас 2 ёшдан қилиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлар ташланган. Бир она ҳамда жамиятнинг фаол аъзоси сифатида сиз бунга қандай фикр билдирасиз?

– Саволингиздан сўнг ёшлигим, бола тарбияларим даврларим эсимга келди. Болаларимга бериладиган нафақа пулини театрдан олардим. Пул баҳонасида театрга борганимда бирга ишлайдиган жамоамни кўриб, янгича руҳ билан қайтардим. Менимча ҳар бир она бола пулини ишхонасидан олгани маъқул. Ҳозир замон шиддат билан ўзгараётгани учун ҳеч бир аёл уйда ўтиришни истамайди. Ёш оналар ҳам ишласам дейди. Хамма аёлда ҳам фарзандини хусусий боғчага бериш имкони йўқ. Шу сабабли болани боғчага бериш ёши 2 ёшдан белгиланса, оналарга анча энгиллик бўларди.

– Сиз ишга одатда қайси транспортда борасиз? Автобус, маршрут ёки шахсий машинада? Нима деб ўйлайсиз, ижодкор ўзи талқин этадиган образларига прототип топиши учун одамлар орасида бўлиши керакми?

– Фарзандларим ёшлигида Муқимий театрининг ёнидаги кўп қаватли уйларида яшардик. Шунинг учун ишга пиёда борардим. У ердан кўчи кетганимиздан кейин трамвай, автобусларда қатнадим. Баъзида кондукторлар таниб қолиб, чипта пули олишмаса хижолат бўлардим. Автобусларда кетаётганим



– Гулчеҳраҳон, келинг саволни Марямхоннинг хурмача қилиқларидан бошласак. Масалан, у сахнада ётиб думалайди. Буни қанчалик ҳаётий деб ҳисоблайсиз?

– “Антиқа совчилар” спектаклини Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов сахналаштирган. Марямхон – хушчақчақ, ҳар хил вазиятлардан чиқиб кетиш йўлини биладиган аёл. Спектакл комедия жанрида. Шу ролни ўйнасам бутун чарчоқларим, губорларим чиқиб кетади. Ўзимни худди денгизда сузаётгандек ҳис қиламан. Томошабин ижродан завқланганини кўриб, ўзимам руҳланаман. Тўғри, сценарийда аслида Марямхоннинг думалаш сахнаси йўқ. Буни ўзим ўйлаб топдим. Марямхон асар қаҳрамони Ҳақимахоннинг эрига тўсатдан “дасди” деб юборади. Бундан жаҳли чиққан Ҳақимахон уни қаттиқ туртиб йикитади. Шунда у ерга ётиб олади. Йиқилиш сахнаси аслида аёлни вазиятдан чиқиш йўли. Ҳаётда ҳеч бир аёл ерга думалашга мажбур бўлмасин. Баъзида истиҳоло қилибми, шу жойини ижро этмаган пайтларим бўлди.

Сиз айтгандек, ҳаётий эмас деган хаёлларга ҳам бордим. Лекин кўпчилик айнан ўша – йиқилиш сахнасини қайтаришимни сўрагач, очиги ҳайрон қолдим. Бу – комедия. Саҳна шуни кўтаряптими, демак шундай ўйнашим керак экан, деб ўйладим.

– Бугунги кунда хотин-қизлар маънавиятини ошириш борасида юртимизда жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Театр жамоаси бунга қандай ҳисса қўшапти?

– Кўпгина образларимда аёллар дунёқарашини оширишга хизмат қилувчи хислатлар бор. Масалан, Чингиз Айтматовнинг “Сарвқомат Дилбарим” да она, “Олифга”да Қувончбекнинг онаси, “Опа-сингиллар” сериалидаги Анзиратхон ролларини айтиб ўтишим мумкин. Театримиз репертуаридан ўрин олган “Антиқа совчилар” спектаклидаги Марямхон образи каби ҳар хил характерга эга бўлган, ўзига яраша бир-биридан фарқли ролларни ижро этиб келяпман. Аслида аёлнинг ёмони бўлмайди. Қаҳрамоним салбий характерга эга бўлсам уни юрагига кириб бориб, кўнглидагиларни ўқишга ҳаракат қиламан. Салбий қаҳрамоннинг ҳам яхши томонларини излаб, томошабинга кўрсатишга интиламан. “Опа-сингиллар” сериалидаги Анзират

ғийбатчи, ҳамманинг ҳаётига бурнини тикиб юрадиган аёл. Аммо унинг ҳам ўз дарди, ўз дунёси бор. Яхши томонлари ҳам йўқ эмас. Бирни кўриб фикр қил дейди халқимиз. Опа-сингилларимиз ҳаётда учрайдиган ана шундай айрим салбий ҳолатлардан сабоқ олади деб ўйлайман.

– Одамлар орасида юргангизда кўпроқ нималарга эътибор берасиз, яъни қандай воқеалардан кўнглингиз шод, қайсиларидан хафа бўласиз?

– Ички дунёси гўзал инсонларни яхши кўраман, хурмат қиламан. Шаҳримизни кундан-кунга чиройли бўлиб, гуллаб яшнаётганини кўриб қувонаман. Хамма нарса гўзал бўлишини, чиройли бўлишини истайман. Кўча-кўйда юганимда ҳамма нарсага эътибор қаратаман. Одамларнинг юриш-туриши, муомаласи, ҳатто кийиниши ҳам назаримдан четда қолмайди. Кўнглимиз воқеалардан узокроқ юришга ҳаракат қиламан. Мабодо ёмон гап-сўзларни эшитиб ёки кўриб қолсам қалбим парчаланаяди. Кимдир оиласида уриш-жанжал ёки ажралиш ҳақидаги сўзларни эшитиб қолсам ярашиб кетсин, деб дуо қиламан.

Шундоғам инсонга қисқа умр берилган бўлса. Шу қисқа умрни чиройли қилиб ўтказишга нима етсин? Қўлдан келгунча бир-биримизга яхшилик қилайлик.

– Айни кунларда ижтимоий

да менинг ҳам шахсий машинам бўлармикан, деб орзу қилардим. Маблағ йиғиб биринчи “SPARK” олдим, кейин уни сотиб, озгина пул қўшиб “HEXIA 3” олдим. Машинамни қизим Малика ҳайдайди. Узокроқ жойлардаги тадбирларга борсам қизим олиб бориб келади. Ўзим жамоат транспортда юришни, халқни ичида бўлишни яхши кўраман. Чунки менинг қаҳрамонларим халқ ичиди.

– “Оталар сўзи, ақлнинг кўзи” кўрсатувида ҳам кўп бора чиқасиз, бу кўрсатувини халқимиз айниқса, кекса авлод вакиллари жуда яхши кўриб томоша қилишади. Ушбу кўрсатувга ёшларни жалб этиш учун унга янгича руҳ бериш пайти келмадимикан?

– “Оталар сўзи, ақлнинг кўзи” кўрсатувини тарбиявий аҳамияти катта. Бироқ интернет ёшларни ўз домига тортган паллада яшаётганимиз учун ҳам янгича талқин, замонавий руҳ ҳақида бош қотириш зарур. “Оталар сўзи”ни чиройли, ўзгача қилиб олиб чиқиш режиссёрларга болғиқ деб ўйлайман. Биз актёрлар фақатгина рол ижро этамиз.

Нигора РАҲМОНОВА
сўхбатлашди

QO'QON DUNYO



Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан миллий хунармандчиликнинг йирик ва қадимий мактабларидан бири ҳисобланган Қўқон шаҳрида аъъанавий тарзда ҳар икки йилда бир марта халқаро миқёсда хунармандчилик фестивалини ўтказиш белгиланганди.

Қарорга асосан жорий йилнинг 10-15 сентябрь кунлари "Биринчи халқаро хунармандчилик фестивали" ўтказилиши режалаштирилган. 5 кун давом этиши режалаштирилган мазкур фестивалда 80 га яқин мамлакатдан 180 нафар сараланган хунарманд усталар иштирок этади. Уларнинг фестиваль билан боғлиқ харажатлари ташкилий кўмита томонидан қопланади. Ҳаттоки, бошқа қизиқувчилар ҳам ўз маблагини асосида қатнашиши мумкин.

Биринчи Халқаро хунармандчилик фестивали олдидан кўрилатган тайёргарлик билан танишиши мақсадида, Фарғона вилоятга республика ва маҳаллий ОАВ муҳбирлари, интернет нашр вакиллари, блогерлар таклиф қилинди. Икки кун давом этган медиатурда журналистлар фестиваль тайёргарликларини кузатиш билан бир қаторда маданий хордиқ ҳам чиқаришди.

Медиатур Қўқон шаҳар матбуот маркази залида, фестиваль тайёргарликлари билан таништириш мақсадида ташкиллаштирилган брифинг билан бошланди.

— Марказий Осиёнинг маданият, санъат ва кўп соҳаларда ўзининг мактабига эга бўлган, гарб билан шарқни, Буюк Ипақ йўлида энг асосий савдо ва хунармандчилик маркази бўлган Қўқон шаҳрида ўтказилаётган биринчи халқаро хунармандчилик фестивали бўйича тайёргарлик ишлари ниҳосига етиш арафасида, — деди Қўқон шаҳар ҳокими Маъ-

руф Усмонов. — Мазкур тайёргарлик ишлари муҳтарам президентимизнинг 2018-йил 1-ноябрдаги қарорларида белгилаб берилган вазифалар амалга оширилмоқда. Ушбу фестиваль доирасида илмий-амалий конференциянинг, хунармандлар кўрик танловларини ўтказилиши, уларнинг касб, малака маҳоратларини кўрсатиш мактабларини, шу билан биргаликда мана шу заминда яратилган маданий-маърифий ва илмий асарларни кенг тарғиб қилиниши, Хунармандчиликнинг ҳам хорижий, ҳам маҳаллий хунармандлар бир-бирларининг фаолиятини уйғунлаштириб, миллийлигимиздан узоқлашмаган ҳолда хорижий хунармандларнинг тажрибаларини алмашиш кўзда тутилган.

Файзулло ҚОСИМОВ,
Фарғона вилояти ҳоким
ўринбосари:

— Фестивалда иштирок этиш учун республикамизнинг 153 туманидан хунармандчиликнинг 29 йўналиши бўйича 1116 нафар хунарманд ва 87 нафар ташкилотчилар рўйхати шакл-

ташkil этилди.

"Хунари бор хор бўлмас..."

Қўқон шаҳрида илк бор ўтказилаётган хунармандчилик фестивалида фарғоналик 230 нафар хунарманд иштирок этади. "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Расулхон Мирзааҳмедовнинг айтишича Марғилон, Қўқон шаҳарлари ва Риштон тумани хунармандчилик борасида ўзига хос мактаб яратган. Президентимизнинг 2017-йил 17-ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида хунармандчилик фаолияти йўналишларининг янгиланган рўйхати тасдиқланди ва 34та йўналиш киритилди. Юртимизда хунармандларга қаратилаётган алоҳида эътибор хунармандларни янада руҳлантириб, янгидан-янги, бетакрор санъат асарлари яратишга ундамоқда. Бугунга келиб Фарғона вилоятида хунармандчиликнинг 32 йўналиши бўйича 1.5 минг хунарманд рўйхатдан ўтган бўлиб, самарали фаолият олиб бормоқда.

Фестиваль доирасида хунармандлар бозори ташкил

кўпчилиги "Фурқат" туманида яшовчи уста Юсуфжон наққош оилавий хунармандчилик корхонаси, устоз-шогирд мактаби шогирдлари экан. **Фурқат тумани ҳокими ўринбосари Баҳром Абдуллаевнинг айтишича**, мазкур мактабда устоз Муҳаммадали Юнусовнинг минга яқин шогирдлари бўлиб, ҳозирда мактаб-мажмуа шогирдларидан 200 га яқини ўймакорлик ва наққошлик усулларидан фойдаланган ҳолда фестивалга тайёргарлик кўрмоқда. Ўрда майдонида 28 метрлик айвон тайёрланмоқда, нақшинкор устунларини ҳамда тепа қисмларига ҳам алоҳида ишлов берилади.

— Хунаримни ота-боболаримдан қолган битмас-туганмас бойлигим деб билмаман, — дейди Ўзбекистон халқ устаси Муҳаммадали Юнусов. — Замон ўзгарган сари бизнинг хунаримизнинг ҳам янгидан-янги нақшлари кашф қилинмоқда, ҳаёт таълиғи мос ва хос улупларда ишламоқдамиз. Шунинг учун ҳам бизга чет эл давлатларидан таклифлар тушмоқда.

Шогирдларим кўп, мактабни битирганлари мингдан ортиқ бўлса, ҳозир устaxonада яна юздан ортиқ шогирдим иш билан банд. Устоз-шогирдлик



лантирилди. Шу билан бирга 70 та давлатдан 29 та йўналиш бўйича 199 нафар хунарманд, 24 давлатдан 30 нафар соҳа олимлари ва профессорлар, 24 давлатдан 35 нафар юқори мартабали меҳмонлар, 14та давлатдан ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари, 12 та давлатдан 20 нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари саралаб олинди.

Фестиваль учун тузилган махсус дастурга кўра, хорижий меҳмонлар ва фестиваль иштирокчилари 12 та маданий мерос объектлари, 20 дан ортиқ Қўқон миллий хунармандчилиги намоёндалари, уй устaxonалари, 4 та маданий, маърифий дам олиш масканлари, бозорларга ташриф буюришди.

Иштирокчилар учун 8 та меҳмонхоналар янгидан курилди. қўшимча равишда 102 та уй меҳмонхоналари

этилиб, уюштирилган махсус тадбирларда ҳам миллий хунармандчиликнинг ўзига хос жиҳатларини намоёйиш этишга алоҳида эътибор қаратилади. Хунармандларнинг кўрик-танловли, хорижий ва маҳаллий уста-хунармандларнинг маҳорат дарслари, кўргазмалари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли анжуман хунармандчиликни кенг тарғиб қилиш, хунармандчилик аъъаналарини ва мактабларини сақлаш, қайта тиклаш, бу соҳадаги илмий ўрганиш ва изланишларни ҳамкорликда амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашиш ва маҳорат дарслари ташкил этиш, мазкур соҳанинг иқтидорли хунармандларини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Устоз-шогирд мактабид
Фестивалга тайёргарлик кўрувчи хунармандларнинг

аъъаналари давом этар экан хунар ўрганишга қизиқувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Бу аъъана "Эти сизники, суйги бизники" қабилида эмас, балки кўлимдан иш келган шогирдларимизга, ўз меҳнат ҳақларини бериб хунар ўргатишда давом этамиз. Балки шунинг учундир наққош бўлиш ниятида келувчиларнинг кети узилмайди.

Муҳаммадали Юнусовнинг устaxonасини кузатар эканмиз, иш жараёни қизғинлиги, хунармандларнинг ғайрат билан ишлаши, уларнинг ўз хунарларига бўлган меҳрини ифодалаб турарди.

Шогирдлари орасида 10 ёшли Раҳматулло ҳам бошқа хунармандлардан қолишмай меҳнат қилаётгани ажаблანарли. Кичик хунарманднинг орзулари бисёр, ҳозирданок мақсадларини аниқ қўйиб илдам ҳаракат қилар экан, келажда устози каби эл суйган

HUNARMANDLARI E'TIBORIDA



хунарманд бўлса не ажаб.
Риштон кулол хунармандлари
Фаргонанинг Риштон тумани хунармандлари томонидан тайёрланган сопол буюмлари, миниатюралари жаҳондаги санъат шайдолари орасида катта шухрат қозонган. Риштон кулоллари томонидан тайёрланган маҳсулотлар ўзининг дизайни, табиий ранги безакларининг бетакрорлиги ва қалампир нусхали нақшларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳеч қайси юртининг кулолчилик намуналарига ўхшамайдиган, ўзига хос ўсимлик ва натюрморт мавзусидаги мурраккаб нақшларни сирлаб, қоплаш ва безакларни эркин рангтаъсир усулида мўйқалам билан қувноқ рангларни қориштириб, ишлатишдан ҳосил бўлган санъат асарлари Англия, Франция, Польша, Швеция, Ироқ, Эрон каби мамлакатлар халқаро кўргазма ва ярмаркаларида намойиш этилиб, жаҳон омаси эътирофига сазовор бўлгани риштонлик кулолларнинг кучли истеъдодидан далолатдир. Риштон хунармандлари халқаро хунармандчилик фестивали

“
Фестиваль учун тузилган махсус дастурга кўра, хорижий меҳмонлар ва фестиваль иштирокчилари 12 та маданий мерос объеклари, 20 дан ортиқ Қўқон миллий хунармандчилиги намоёндалари уй устаконалари, 4 та маданий, маърифий дам олиш масканлари, бозорларга ташриф буюришади.

ли меҳмонларини ҳам лол қолдириши кутилмоқда.

Жаҳон талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар

– Президентимизнинг 2017-йил 12-январдаги “Қўқон” иқтисодий зонасини ташкил этиш борасидаги фармойишига асосланиб тошлоқдан иборат 709.3 гектар ер саноат зонасига айлантирилди, – дейди Иқтисодий зона раҳбари Фаррух Раҳмонов. – Фармонга биноан иш жараёнлари 2018-йилда бошланган. 94 та лойиҳа белгиланган, ҳозирда шулардан 28 таси қуриб битказилди. 10 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланди. Ф.Раҳмоновнинг айтишича, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархи ички бозорда арзон, сифати эса жаҳон талабларига жавоб бермоқда. Кейинчалик ташқи бозорда ҳам маҳсулотлар муҳим роль ўйнай бошлайди.

Эндиликда маҳаллий аҳоли ҳам ўз фарзандлари учун сифатли велосипедларни харид қилишлари мумкин. Ўзимизнинг бозорлардан ташқари, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига 4 миллион АҚШ долларлик

маҳсулотлар экспорт қилинди. Лойиҳанинг бошида 5 миллион АҚШ долларига инвестиция киритиш кўзда тутилган бўлса, ҳозирда бу ишларни ривожлантириш учун 20 миллион АҚШ долларлик лойиҳа иш бошлади.

Ҳозирда иқтисодий зонада жами 13 хил маҳсулот ишлаб чиқарилаётган, Улардан 4 таси велосипед заводи бўлиб, унинг бир қисмида эса автомобил учун мўлжалланган газ баллонларини бутловчи эҳтиёт қисмлари, метан, пропан баллонлари ҳам тайёрланмоқда.

Иқтисодий зонанинг 5 гектар жойини эгаллаган “Шаффоф омадли саноат маскани”даги иш жараёнлари билан яқиндан танишдик. Бу жойда велосипеднинг асосий бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилиб, шу ернинг ўзиде йиғилаётганига гувоҳ бўлдик. Мазкур заводда ишлаб чиқарилаётган сифатли велосипедлар нафақат водий

ди. Ҳаттоки, қизиқиш устунлик қилиб, илмий ҳодимларимиз билан биргаликда суҳбатимиз ташкиллаштирдик. Дастлабки қоғоз Самарқандда ишлаб чиқарилгани билан, бизнинг Қўқон қоғози сифат жиҳатидан устун турган. Иккала қоғозни синовдан ўтказишганда, Самарқанд қоғози тез ивиб кетган экан, Қўқон қоғози эса муаллақ сувда тураверган. Хонлик даврида Қўқон қоғозидан арқон сифатида пилик қилиб ишлатишгани ҳам маълум.

Бионинг учинчи қаватида халқаро хунармандчилик фестивалига қадар фото кўргазма ташкил этишга тайёргарлик кўрилмақда. Кўргазмада Қўқон шаҳрининг 40 дан зиёд тарихий обидалари суратлари ўрин олиши кўзда тутилган.

Дангарада етишаётган ўсимликлар

Фаргона вилоятининг Дангара туманида жойлашган “Зимний сад” масъулияти чек-

Гидрополика усулидаги иссиқхонада замонавий жихозлар ўрнатилган бўлиб, ҳарорат ўсимлиқнинг сув ва озуқа талаби асосида чуқур таҳлил орқали аниқланади. Турли минераллар билан бойитилган сув томчилатиш усулида ўсимлик илдизига етказилади. Аини кунларда бу ерда етиштирилаётган помидор кўчатлари яхши парваришда.

“Меҳриғе”дан шифо толасиз...

Пресстур давомида журналистлар “Меҳриғе” кичик корхонаси фаолияти билан ҳам қисқача танишиб ўтишди.

Ахроржон Мақсудов
“Меҳриғе” корхонасининг бош менеждери:

– Бизнинг корхонамиз 1992-йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлса, ҳозирга келиб табиий шифобахш ўсимликлардан тайёрланган, дамлама чойлар ва турли дори-дориларни ишлаб чиқармоқда. Россия, Хитой, Қозоғистон



аҳолисини, балки, бутун республикани ҳамёнбоп нархлари билан қувонтирмоқда.

«Буюк алломалар музейи»да

– Музейимиз беш бўлимдан иборат бўлиб, “Илк ўрта асрларда илм-фан ва маданият”, “Темурийлар зали”, “Қўқон хонлиги”, “Хунармандчилик зали” ва “Академиклар зали”дан иборат, – дейди музей ходими Зулфияхон Қўчқорова. – Деворга туширилган суръат XVIII ва XIX асрлардаги Чорсу майдонининг кўриниши бўлиб, бу худди Самарқанддаги Регистон майдонидаги каби учта катта-катта мадрасалар бўлган. Аммо, бу мадрасалар ҳозирги кунда сақланиб қолмаган.

Музейимизда сақланаётган китоблар асосан республика бўйича йиғилган. Китобларимизнинг айримлари, нусха бўлса, айримлари асли ҳисобланади. Музейимизга ташриф буюрганларнинг кўпчилиги Қўқон қоғозининг макетида қизиқиш билдириш-

ланган жамиятига қарашли замонавий гидрополика комплекси билан танишишга мурасар бўлдик. Аини кунларда бу ерда турли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, аҳоли дастурхонига тақдим этилмақда.

Муроджон АБДУЛЛАЕВ

корхона таъсисчиси:

– Туман ҳокимлиги томонидан ажратилган 5 гектар ерга ўтган йили иссиқхона қуриши бошладик. 3.2 гектарига помидор, ярмига кулупнай эқдик. Ноябрьдан, апрел ойларигача кулупнай етиштирдик, лекин ярим гектар ердан чиққан кулупнайни экспорт қилишни иложи бўлмагани учун ҳам, ҳозирча фақат ички бозоригагина маҳсулот сотаямиз.

Иссиқхонамиз ишга тушгач 42 киши тўлиқ иш билан таъминланган. Олдинги режалар ҳақида айтадиган бўлсак, туман ҳокимлиги томонидан 24 гектар ер ажратилди, энди шу майдонга яна иссиқхоналар қуришни режалаштирмоқдамиз.

ва Қирғизистон давлатларига экспорт қилмоқдамиз. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг деярли 80 фоизи экспорт қилинаёти.

Доривор гиёҳларимизнинг асосий рецепти, Абу Али Ибн Сино бобомизнинг “Тиб қонунлари” китобидан олинган бўлиб, бизда етиштирилган доривор гиёҳлар кўп дардларга даво бўлаяпти. Ҳар бир етиштирилаётган гиёҳнинг ўзига яраша хусусияти, даволай оладиган касаллиги мавжуд.

Яқинда Жанубий Корея билан имзоланган меморандум асосида меҳмонхона қуриш ниятидамиз. Ҳамкорликда қуриладиган меҳмонхона экотуризмни ривожлантириш учун ҳам хизмат қиладди. Мазкур меҳмонхона нафақат дам олиш учун, балки даволаниш учун ҳам хизмат қилиши кўзда тутилган.

Василабону
ҲАБИБУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.



“MENING IKKI ONAM BOR:

BITTASI YURAGIMDA, BITTASI HAYOTIMDA”



Ота-онам билан бахтли ҳаёт кечирар эдик. Оилада уч акаларимни айтмаганда мен яъни, Мадина ягона қиз эдим. Бизнинг катта боғимиз бор. Унда фақатгина жийда етиштирилади. Дадамнинг айтишларича, бу ерлар олдин ташландиқ жой бўлиб, одамлар келишга ҳаттоки ҳадиксирашган экан. Кейинчалик ўша ташландиқ ерларни бобомнинг боболари сотиб олибди. У киши жийда гулини жуда ҳам яхши кўрган экан. Шунинг учун ҳам айнан жийда кўчатларини ўтқазган эканлар. Орадан кунлар, ойлар, йиллар ўтиб, боғ янада гўзаллашиб бораверибди ва мана бизгача ўз ҳолини йўқотмай етиб келибди. Дадам ҳар йили жийда гуллаганда: “Бу бизнинг тарихимиз, ҳамда келажакимиз”, дейдилар. Мактабимиз уйимиздан деярли 2 соатли йўл. Мен 5-синфда ўқир эдим, Азиз акам 11-синфда, Йўлдош акам 9-синфда, Одил акам 8-синфда ўқирди. Ҳар куни саҳарлаб йўлга чиқиб кетар эдик. Бугун ҳафтанинг пайшанба куни. Тезроқ тун бўлиб, тонг отишини интизорлик билан кутардим. Чунки, барча болалар уч ойлик таътил тугаб мактаб бошланганини қанчалар интизорлик билан куттишса, мактаб бошланганда эса сўнгги кўнғироқни шунчалар куттишарди...

Мана тонг отди. Бугун жума. Ҳар кунги вақтимизда уйғондик, лекин онам уйғонмадилар. Биз уларни қаттиқ чарчагандилар-да деб уйғотмадик ва мактабимизга кетавердик. Биз ҳар йилгидек, тўртталамиз ҳам ташаккурнома олдик, хурсандчилигимизнинг чеки йўқ эди. Бахтиёрлигимиздан уйга қандай тез келиб қолганимизни ҳам англамай қолдик. Келсак ҳовлимизда одамлар гавжум, негадир йиғи овози ҳаммаёқни қамраб олган. Ҳовлига киришим билан, юрагим зириллаб кетди. Оёқ-кўлларим дир-дир қалтирарди. Онамнинг хоналарига югурдим. Қўшимиз Насиба опа бағриларига босиб роса йиғладилар. Шунчалик қаттиқ кўрққанамдан, Насиба опани итариб хонага отилиб кирдим. Не қўз билан қарамай, онамнинг юзлари оппоқ мато билан ёпилаган. Шу заҳотиёқ уларнинг бағриларига отилдим. Ушбу сонияларда онам билан бўлган қувончли воқеалар кўз олдимда гавдаланди. Болалигимда акаларимдан қизғониб улар билан кўп мартаба уришганим, жийдадорда қувлашмачоқ уйнаганларимиз, берган вазифаларини бажарганимда, уй юмушларига кўмак берганимда мени эркалаб бағриларига босганлари, менинг ўрнимга расм чизишлари ёдимга тушди. Тилимда фақат бир сўз айланарди: “Онажон, кўзингизни очинг, энди акаларим билан ҳечам уришмайман...”. Қанча қаршилик қилмай, онам олиб ке-

тишди. Қулогимда онамнинг фақатгина бир гаплари жаранларди: “Агар мен шу кунларда ўлиб қоладиган бўлсам, вақти келиб барчангиз ўқиб яхши инсон бўлинглар. Сизларни қишлоқдагилар кўрганда Дилдора ҳамда Шохрухларнинг фарзандлари деб кўрсатишин, бизни яхши гаплар билан эслашин”. Онамнинг бу гапларини ҳазил деб ўйлардим...

Кейин билсак онам 1 йилдан буён товлари йўқ экан. Фарзандларим қийналмасин деб, бизга айтмаган эканлар. Ўша пайтда ҳам бизни ўйлаганлар. Нима, бизга айтганлариде, доволанишларига қаршилик қилармик? Саволларим жуда кўп эди. Уларни шунчалик яхши кўрар эдимки, бунга сўз билан тасвирлаб бера олмаيمان...

Орадан 3 йил ўтди. Бу уч йил ичида кўп нарса ўзгарди. Азиз акам Тошкентга ўқишга кирди. Улар жуда ўзгариб кетди. Албатта, яхши тарафга. Йўлдош

акам ҳозир Россияда. Менга чиройли кўйлақлар жўнатадилар. Кичик акам Одил дадам изидан кетдилар, ўқишни ҳам ташлаб қўймадилар. Улар инглиз тили бўйича виллоятда биринчиликини қўлга киритдилар. Мен эса ҳамон онамни ёдимдан чиқара олмаяман. Кунлардан бир кун, отам уйимизга бир хушбичим, сочлари узун, чиройли кийинган аёлни бошлаб келдилар. Мен дадамнинг бағриларига югуриб бориб, уларни сўроққа тутдим. Бу аёл кимлигини, нега уйимизга келганини, бизнинг уйда нима иш қилишини, ҳаммаси ҳақида билишни истадим. Дадам менга: “Бу аёл сизнинг онангиз!” деб таништирдилар.

Шу заҳотиёқ онам ўқиб берган эртақлардаги, ўғай оналар ҳақида тарқаган миш-мишлар эсимга тушди. Улар дастлаб чиройли, ёқимтой бўлиб, кейин болаларни қийнашлари, зугум ўтқиизишлари кўз олдимда гавдаланди. Кетин!!! Ушбу сўзни қандай айтганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Нима қилишни билмай хонамга югуриб кетдим. У ердан эрталабгача чиқмадим. Эрта турдим. Туш бўлса керак деб, ойнадан мўраласам бир аёл ҳовли супираётганига кўзим тушди. Уни анча вақтгача кузатдим. Ҳовлини супуриб бўлиб, нонушта тайёрлашни бошлади. Шу пайт қорним оч эканлиги ёдимга тушиб қолди. Охири чидаёлмамай ҳовлига чиқдим-да, уларни кўрмаганликка олиб, юзимни ювишни бошладим. Мадина-хон! Мени онам қақриятдилар деб, шу заҳоти ошхонага югуриб бордим. Не кўз билан қарамай онам эмас. Ўша ўғай она. Лекин унинг овози жуда ширали экан. Нима бўлса бўлди деб, нонушта қилишга ўтирдим. Ҳали тонг отгани йўқ. Лекин улар уй юмушлари билан шуғулланяптилар. Шунда дадам уйимизга хизматкор олиб келибдилар-да, кеча мен билан ҳазиллашган бўлсалар керак деб ўйладим. Уларни бекор ранжитимда эссиз. Чойимни ичиб бўлган, мактабга жўнадим. Мактабда вақт тезроқ ўтиб, уйга боришга шошилдим. Дарс ҳам тезроқ тугаса-ю, мен ҳам уйга тезроқ борсам. Ҳаёлимдан минг хил ўйлар ўтарди. Дарс тугаб уйга югурдим. Ўша аёл “Қизим келдингми, қорнинг очмадимми?” деб савол бердилар. Шунда мендан бахтли одам йўқ эди негадир. Чунки, бу сўзларни эшитмаганимга 3 йил бўлганди-да. Уларни онажон деб айтишимга оз қолди. Лекин айтмадим. Ўзимни эшитмаганликка олдим-да, хонамга кириб кетдим. Ушбу сўзларни эшитганимда, уларнинг юзларига тик қилганимда худдики юзларидан нур қақнаётганга ўхшарди. Нима бўлса бўлди деб оқватланишга чиқдим. У аёл мени қувонч билан қарши олди. Ширин оқват тайёрлаётганга ўхшайди, бутун уйни шу ёқимли хид қамраб олибди. Ўзимни менсимганликка олдим. Да-стурхонга ўтирсам, оқват олиб келдилар.

— Заҳар солмаганмиз ишқилиб? деб савол бердим.

Улар жилмайиб:

- Бунчалар ширинсан. Онангга ўхшар экансан, — деди.
- Исмингиз нима?
- Наргиза. Нега мендан кўрқасан?
- Сиздан кўрқмайман. Нега бизнинг

уйга келдингиз. Сиз онамни ўрнини эгаллаб олмоқчимисиз. Кейин мени уйдан ҳайдаб чиқарасизми? Мени учта акам бор. Тўғри, улар ҳозир йўқ, лекин тез кунда келишади. Агар мени урсангиз уларга айтиб бераман. Дадам ҳам мен тарафда эсиздан чиқмасин. Уйимиз Одил акамни номларида, фарзандларингизни номига ўткази олмайсиз, — деб жавоб бердим. Шунда улар менга кулиб қарадиларди:

— Мен сен ўйлагандек ёвузга ўхшайманми? Акаларинг ҳақида ҳам биламан. Улар жуда ақлли болалар. Онанг ҳақида эса кўп мартаба эшитдим, суратларини ҳам кўрдим. Улар жуда дилбар аёл бўлган экан. Мен у кишини ўринларини эгаллашни ҳаттоки ҳаёлимга ҳам келтирмадим. Мен ҳам нафақат онасиз, балки ота, ака-укаларсиз катта бўлдим, меҳрога зор бўлиб улғайдим. Лекин бошқалар бундай бўлишни истамайман. Менга уй керак эмас. Фақатгина бу уйда ўз ўрнимни топишни истамайман. Сизларни ўғай демайман, аксинча ўз фарзандим деб бошларингни силашга ваъда бераман, сизларни ёлғизлатиб қўймайман. Агар бунга истамасанг майли индамай кетаман.

Бу гапларни эшитган улар эртақ, афсоналардаги ёвуз аёл эсмаллигига амин бўлдим. Бу аёл гапирётганида шунчалар юракдан айтдиларки, уларни онажон деб бағримга босгим келди...

Ҳар куни тонгда саҳар туриб, онам билан ҳовли супирдим, улар билан бирга нонушта тайёрладим. Улар жуда чиройли, ақлли ҳамда қўллари гул эди. Нимага қўл урсалар ўша жой гуллаб яшнарди. Менга бир-бирдан чиройли кўйлақ тикиб берардилар. Уларни кийиб кўчага чиқиб, дугоналаримга мактанар эдим. Улар ўғай оналар ҳам яхши бўлишни билиб қўйсин дердимда. Дарсларимга ёрдан берардилар. Уларга термулганимда ўз онам ёдимга ташарди. Худдики менинг пешонамдан ўлиб қўйгандек бўларди. У аёл билан ҳар жума куни онамни қабрларини зиёрат қилиш учун борар эдик...

Орадан 8 йил ўтибди...

Бу йиллар менга кўп нарсани ўргатди. 8 йил ичида ҳаддан зиёд кўп нарсалар батамом ўзгача тус олди. Эсингиздами жийдазоримиз ҳақида гапириб ўтгандим. Ўша боғ ҳозир янада гуллаб яшнган. Онам ўтиб қолганларидан кейин боғ қаровсиз қолган эди, лекин ҳозир кўрсангиз, боғдан қайтиб чиқингиз келмай қолади, айниқса баҳор ойида. Келсангиз, албатта боғимизни кўрсатаман. Бугун онам вафот этганларига роппа-росса 12 йил бўлди. Онажон сиз хоҳлагандек фарзанд бўлди. Ўзингиз орзу қилганингиздек бизга қишлоқдагилар ҳавас қилишади. Ҳозир менинг икки синглим бор. Улар мени жуда яхши кўришади, шу жумладан мен ҳам. Энг муҳими шунга амин бўлдимки, онани ўғайи бўлмади. Онам бизни бу йиллар ичида бирон марта ҳам ўғайи демадилар, жеркимадилар, вақти келганда койидилар, айбимизни яширдилар, эркаладилар ва бизни эслатиб, бизнинг орзуларингизни амалга оширишимизни ёдимизга солиб турдилар. Мени икки онам бор. Биттаси юрагимда, биттаси ҳаётимда...

Мадинанинг сўзларини
Нигора ОРИФЖОНОВА
оққа кўчирди.
Сирдарё вилояти, Гулистон
шаҳри.

ЭЪЛОН

Сайфуллаева Зумруд Тагиевнага тегишли Тошкент шаҳар Миробод туманидаги Локомотив кўчаси 8-уй 2 хонадоннинг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

YUZ UCHUN PARAFINLI MASKALAR

Замонавий косметологияда парафин терапияси ривожланмоқда ва оммалаштирилмоқда. Эритилган парафин ёрдамида кўллар ва оёқлар, бутун тана учун ванналар, ҳатто юз маскалари амалга оширилади. Хўш, парафинли маскалар юзга қай даражада таъсир кўрсатади. Ана шу саволга оидинлик киритиш мақсадида косметолог Жумагул Обидовага юзландик.

Парафиннинг оқ ва сариқ турлари мавжуд. Унинг оқ тури кўпинча уй шароитида ишлатилади. Оқ парафинни фақат бир марта ишлатиш мумкин. Парафинотерапия терини тиклаш, ёшартириш ва тозалаш учун ишлатилади. Парафин терига мукамал таъсир қилади, уни озиклантиради, қуришни олдини олади. Чуқур ажинларни текислаб, кичик ажинларни йўқ қилади. Тери эластиклигини оширади ва қон айланишини яхшилаб, юз хусусиятларини кучайтиради.

Бундан ташқари юздаги доғлар, хуснбузарларга яхши таъсир қилади. Қиздирилган парафин терига сурилганидан кейин совий бошлайди ва хажмини кичрайтиради. Ана шу жараёнда терини тортади. Ушбу таъсирни парафин қўлланганидан кейин 20 минут ўтиб сеза бошлайсиз. Юз эластиклиги ошади, зарарли токсинларни теридан чиқариб ташлайди. Парафинли муолажалар қиш мавсумида ташқи ҳаво

таъсирида тери қуруқлаша бошлаганида амалга оширилади.

Парафин ёрдамида амалиёт бошладан олдин юзни тўғри тозалаш керак. Ҳеч қандай ифлосланиш бўлмаслиги учун юмшоқ скраблар билан юзинг. Тозалашдан сўнг юзингизни озиклантирувчи ёки намловчи крем билан артиб олинг.

Бир ниқоб учун 60 гр. қаттиқ парафин етарли. Бу сув ҳаммомида (модда ёнувчан бўлганлиги учун аралаштириш) ёки парафинларни эритиш учун махсус ҳаммомда эритилиши мумкин. Эритилган парафинни махсус щётка ёрдамида массаж линияси бўйлаб суриб чиқилади.

Парафин совиб қолмаслиги учун, муолажа тугагунча уни сув ҳаммомида сақлаш маъқул. Юзга сурилганидан сўнг гапирмасдан ва ҳаракат қилмасдан ярим соат ётиш керак. Вақт ўтиши билан парафин қаттиқлашади. Белги-ланган вақт ўтгач парафинни юздан эҳтиёткорлик билан олиб ташлаб, илиқ сув билан ювиш керак. Ниқобдан кейин юзингизни крем билан ёглашингиз зарур.

ПАРАФИНЛИ МАСКАЛАР

Эритилган парафинга бир нечта томчи эфир, апельсин, гул ёғидан томизиб, 3-4 қават қилиб юзга сурилади. 20 дақиқадан кейин олиб ташланади.



Парафин терига мукамал таъсир қилади, уни озиклантиради, қуришни олдини олади. Чуқур ажинларни текислаб, кичик ажинларни йўқ қилади. Тери эластиклигини оширади ва қон айланишини яхшилаб, юз хусусиятларини кучайтиради.

Бундан ташқари парафин ичига бир қошиқ зайтун мойи ва ярим қошиқ какао мойи қуйинг, аралашмани 3 қават қилиб суриинг ва ярим соат давомида ушлаб туринг.

Терини юмшатиш ва ёшартириш учун парафинли маскалар таркибига алоз шарбатини, А ва Е витаминларини ёки турли хил ёғларни қўшиш мумкин.

Баъзилар, парафинли маскалардан фойдаланганидан сўнг тери жуда ёғли бўлиб, юздаги поралар катталашгани


ва юз жуда ёмон бўлганини таъкидлашади. Бошқалар эса парафиннинг ижобий таъсири ҳақида гапиришади. Катта ёшли аёллар парафинли маскалардан сўнг юз териси ёшариб, эластиклиги ошгани, ҳатто чуқур ажинлар таранглашгани ҳақида тўхталишади. Парафин барча ёшдагиларга ижобий таъсир кўрсатади. Қуриган тери намланади, нозик ажинлар йўқолади, тери янада мосланувчан бўлади.

ЗАРАРИ ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Парафиннинг зарарли томонлари ҳам мавжуд. Кенг поралар ва терига яқин бўлган томирлар билан парафинли муолажалар тавсия этилмайди. Агар юзингизда жуда кўп хол ёки ўсимталар бўлса, аллергик реакциялар, тери касалликлари, гипертензияда мумкин эмас.

Парафин муолажаларидан фойдаланишга қарор қилсангиз, биринчи навбатда косметолог билан маслаҳатлашинг.

Мадина тайёрлади.



PLASTIK IDISHLARDAN

Пластик идишларни сотиб олаётганда маркасига эътибор бериш ҳар доим муҳим. Чунки пластик идишлар инсон саломатлигига зарар етказувчи токсик моддаларни ишлаб чиқариши мумкин. Сувни пластик идишларга қайта солиш мумкинми, кулерлардан сув ичиш хавфлими ва нима учун бундай идишларда сув ичишдан воз кечиш яхшироқ деган саволларга жавоб топамиз.


Қандай пластик идишларга суюқликни қайта солиш мумкин эмас?

Пластик идишларни сотиб олаётганда сиз идишнинг пастки қисмидаги белгига эътибор беришингиз керак. Ёрлик идишнинг қандай пластикдан ишлаб чиқарилганини аниқлатади. Мисол учун, PET 1 (ёки PETE 1) ёзуви билан пластик идишни фақат бир мартагина ишлатиш мумкин. Чунки бундай идишлар кислород мавжудлигида, қуёшда

ёки қиздирилганда токсик моддаларни чиқаради.

"3" ва "7" PVC ва PC ёрлиқли бутилкалар бисфенол А кимёвий моддаси ёрдамида тайёрланади. Америкалик олимлар Шерил Эрлер ва Джули Новак томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра бундай пластик идишлардан узоқ муддатли фойдаланиш инсон эндокрин тизимига ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкинлиги аниқланди. Шу сабабли 2010 йилдан бошлаб Европа комиссияси ушбу моддани чақалоқларни озиклантиришда фойдаланиладиган пластик идишларни ишлаб чиқариш учун ишлатишни таъқиқлади.

Спортчилар учун махсус ишлаб



FOYDALANISH MUMKINMI?

чиқарилган, кўп марталик пластик идишлардан сув ичиш ҳам хавфлими?

Агар идиш полиэтилендан тайёрланган бўлса (бундай идишлар "2" ва "4" рақамлари билан белги-ланган бўлади) ёки полипропилендан ("5" рақами ва PP ёзуви билан) бўлиши мумкин. Бироқ бу идишларни фақат совуқ сув ушлаб туриш ва мунтазам равишда дезинфекция қилсангиз хавфсиздир.

Аслида, идишларнинг бўйин қисмида кўп қабатли бактериялар тўпланади. Худди шу нарса спорт идишларига ҳам тегишли. Чунки уларни ювиш ва дезинфекция қилиш қийин. Мисол учун, 2002 йилда Калгари университети олимлари маҳаллий бошланғич мак-

таб ўқувчиларининг шахсий сув идишларидан ичимлик суви намуналарини тўплашди.

Натижалар шуни кўрсатдики, уларнинг 13,3 фоизидида умумий бактериалар ортиқча тўпланганлиги қайд этилган.

Кулерларга ўрнатилган қайта ишлатиладиган бутилкалар хавфлими?

Кулерларга ўрнатиладиган қайта ишлатиладиган бутилкалар поликарбонатдан тайёрланади. Бу катта миқдордаги суюқлик учун қулай идиш. А.Н.Сысин номидаги Инсон экологияси ва атроф муҳит гигиенаси илмий-тадқиқот институти директори Юрий Рахманиннинг сўзларига кўра агар идиш янги бўлса у ҳолда сувга зарарли бўлган бисфенол А тушиши мумкин. Агар идиш кўп марта ишлатилган бўлса у ҳолда идиш кўп марта ювилган ва идиш таркибидаги зарарли моддалар аллақачон чиқиб кетган бўлади.

Хориж матбуоти асосида тайёрланди



Sug'urlar oilasi

Дарё киргоқлари, тоғ оралиги ва ёнбағирларида учраб турувчи кемирувчилар синфига мансуб сугурларнинг бир неча тасвири билан биргаликда яшаб "шаҳарча" ҳосил қилади. Тўдадагиларнинг барчаси опа-сингил, оғанилардан иборат ва оила бирдамлиги сақланади. Уларни бирор нарса чўчитадиган бўлса қаттиқ чийиллаб инларига кириб яшириниб олишади. Инларнинг тузилиши ҳам бирмунча мураккаб: бир неча бўлмалардан иборат ва тешиклар билан юзага очилади. Шу жиҳатдан уларни моҳир "муҳандислар" дейиш мумкин.

Тиниб-тинчимас жониворнинг жуссаси унчалик катта эмас, кўндан кичикроқ ва кучсиз. Қалин мўйнаси киш кунлари танасини совуқдан сақлайди. Доимо ҳаракатчанлиги ва шароитга мослашувчанлиги билан турдошларидан фарқ қилади. Бир жуфт тишлари тошдек қаттиқ, данакни ҳам чақа олади. Исканадек ўткир тишлари озикланиш пайтида доимий равишда янгиланиб боради. Кемирувчилар учун еб бўлмайдиган нарса-нинг ўзи йўқ. Қиёқўт, ялпиз, тулкиқуйруқ ва меваларни ҳам хуш кўради. Танасининг қайишқоқлигидан жар ва но-текис қияликларда ҳам озук

илинжида чақон ҳаракатлана олади. Бунда ҳайратомуз эпчиллиги ва ўткир тирноқлари иш беради.

Қир-адирларда учраб турадиган кулранг ҳамда узун думли қизил сугур мўйналари чиройли ва кўркамлигидан бозори чақон. Улар сони йилдан-йил камайиб бораётганлиги учун Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган.

Ҳаво очиқ кунлари қош қорайиши билан сугурлар оиласи фаоллашиб, ташқи оламга бўй кўрсатади

ва теварак-атрофда ажойиб томошалар бошланади. Қоронғилик – улар учун яхши ҳимоя бўлаолади. Айниқса, ой тўлишган пайти юлдузлар чарақлаб майин шамол эсиши ва дарёнинг шовуллаши сугурчалар нигоҳида ташқи олам нақадар гўзал кўринади.

Сугурлар оиласи куз охирида ҳаво совий бошлагач, кишки мавсумга сўнгги тайёргарликларини кўриб инлари ичкарисига хас-хашак тўплашга шошиладилар. Қишли-қировли, аччиқ совуқ кунлари уйқуда бўлганида ёғ заҳираси сақлайди.



Аммо кишки уйқу совуқдан омон қолиб, жон сақлаш дегани эмас. Улар аллақачон инлари ичидаги тўпланган уруғлар хавфсизлигини таъминлаш учун "омборча"лар ҳозирлаб қўйишган. Ёз бўйи елиб-югуриб, ором нимагини билишмайди. Киш мавсуми учун йиғилган озуклари шунча меҳнатларига арзийди. Бу эса киш фаслини хотиржам ўтказиш имконини беради, албатта.

Илиқ куз кунларининг бирида сугур инига кираверишда игналарини тик қилиб олганча жайра пайдо бўлади. Шунда она сугур кўкимтир жунларини хурпайтирганча "чақирилмаган меҳмон"ни ер тепиш билан огоҳлантира бошлайди. Афтидан бу унинг душманидан норозилик белгиси бўлса керак. Бундай "учрашув"ни ҳар қандай жонивор хоҳламаган бўларди. Жайранинг эса ҳали-вери кетиш нияти йўқ. У ўз қуролига ишонади. Ўткир ниналарини ишга солиши мумкин. Ҳид билиш қобилияти кучлигидан индаги "омборча"даги дондунларни пайқаган кўринади. Кутилмаганда жайра душманига қараб салпиши ҳеч гап эмас. Борди-ю, она сугур салгина эътиборсизлик қилса душманининг бир неча игналари билан инига қайтиши мумкин.

Орадан бироз вақт ўтди. Сугур хийласи иш беравермагач, тишларини кўз-кўз қилиб душманига қараб кум соча бошлади. Ниҳоят, якка курашда рақиби чекинишга мажбур бўлди. Ғолиб она сугур эса озгидан ажралиб чиққан сўлак безлари билан худудини қайта белгилаб олди. Устарадек ўткир тишлари ва учкур тирноқлари "тўқнашув"да она сугурнинг устун эканлигидан далолат беради.

Ҳадемай кузининг совуқ кунлари бошланади. Сугурлар оиласи қишдан омон чиқиши учун кўпроқ озикланиши керак бўлади. Мевалар ҳам улар қувватини оширади. Жониворлар аллақачон аввалги вазинини тиклаб, синовлардан ўтиш, хотиржам ва омон чиқишлари учун киш мавсуми тадоригини кўриб қўйишган. Қолаверса уларнинг ҳаёт тарзи озикланиш билангина чекланмайди. Сугурлар ҳаётида яшаш учун қураш доимо бешафқат кечади.

Ёрқиной БАРОТОВА,
Ғалларол туманидаги 73-мактаб ўқитувчиси.

BIR TOMCHI YOSHNING IZTIROBI

Отамнинг акаси Жўра бобомни "Биргат бово" деб, у кишининг аёллари Ёрқиной момомни эса "Раис момо" деб чақирардик. У пайтлари шундай эди: ёши улуғларнинг исми айтилмасди.

Бобом кўйкўз, калта қошлари қалин, кўкала соқолли айиқ келбат киши эди. Сулоламининг томирида амирлик даврларидан бери оқиб келаётган полвон қонини тўла-тўқис оқлаган сўнгги (ҳозирча) қондошларимиздан

билан унсиз илтижо қилардим. Интиқ-илтижоли қарашларимга бобом ахйри чидамади. Ихраниб ўридан турди-ю, на энамнинг, на момомнинг ҳай-ҳайлашига қарамай отхона томонга кетди...

...Бироздан сўнг бобом иккаламиз отга мингашиб секин-аста кетиб борарканмиз, бўйнимга иссиқ бир томчининг думалаб тушганини сездим. Тез бошимни кўтардим-у, тепамда бобомнинг азоб акс этган кўзини, қора терга ботиб



бири бўлиб, эллика кирган-даям чавандозлик қамчисидан кечган эмасди. Тўғриси айтсам, у йиллари гўдак бўлганим туфайли бобом қатнашган бирорта кўпқарига гувоҳ бўлган эмасман. Шунинг учундир эҳтимол, у кишини отлар тўдасига аямай от соладиган, акамлар гапириб берган каби на ўзини, на бировни аямай-диган қаҳри қаттиқ чавандоз сифатида тасаввур қила олмайман. Очиғи бу гапларга унча ишонгим ҳам келмайди. У киши менинг наздимда от миниб юргани ва элда "чавагон" деб мурожаат қилишгани учунгина чавандоз эдилар, холос.

Кечагидай ёдимда, бобомнинг оппоқ оти бўларди. Уйига борсак доим "отингизга миндирасиз" деб ялинар эдим. Бобом онда-сонда рад этган бўлмаса, одатда ҳеч қачон раъйимни қайтармас эдилар. Бир сафар ҳам шундай бўлди. Энам билан меҳмонга борганимизда: "Биргат бовам обориб қўйсин", деб тихирлик қила бошладим.

– Уйимиз атиги икки қадам, пиёда борсанг ҳам ўлмайсан! – дея жеркиб берди энам. Раис момом ҳам инжиқлигимдан аччиқланиб, негадир қовоқ уйди. Мен эса, умидимни узай демасдим. Уйнинг тўрида аёлга ўраниб ётган бобомга мўлтираб қараб, кўзларим

буришиб кетган юзини кўрдим. Ҳалигача билмаган эканман, ахир бобом отнинг устида тишини-тишига босиб зўрга бораётган эканлар...

Ушанда энам иккаламиз бобомни отдан йиқилгани учун сўрагани борган-эдикми, ёки бирор оғирроқ касалликка чалингани учун сўрагани борган эдикми, аниқ эсимда йўқ. Бироқ шуниси аниқ эсимда-ки, бобом оғриб ётган бўлиб, биз энам билан касал сўрага ўтган эдик...

Энди тушунгандирсиз, мен нега бобомни қаҳри қаттиқ чавандоз сифатида тасаввур эта олмадимми?

Мана, орадан йиллар ўтиб кетди. Йиллар билан бирга оламдан Биргат бовам ҳам ўтиб кетди. Лекин ўша болалик давримда бўйнимга оқиб тушган бир томчи кўз ёшининг изтиробини, улашган туйғуларини ва сабоғи кўнглимдан ҳали ҳам кетгани йўқ.

Гўдак дилини оғритганларни ё ўз яқинларидан меҳрини аяйдиганларни кўрсам, дуч келганга соғлигидан нолийдиган, тўрт мучаси соғ бўла туриб ўзига ногиронлик гувоҳномаси тўғрилатиб олаётган ория-ти паст одамларни кўрсам бўйнимнинг Биргат бовам кўз ёши томган ўнг томони тортишиб-жимирлаб кетаверади...

Байрам АЛИ

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 936. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2113. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Ч. Дўстматова
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5